БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 2 (16. 692). | 4 январь 1977 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

ФАРҒОНА. Шойи тўқув фабрикаси коллективи янги 1977 йилни зарбдор меҳнат вахтаси билан бошлади. Корхона 2-ипак ўров цехининг Л. Титова, Ф. Ҳамидуллина ўртоқлар бошлиқ мусобақадош бригадалар коллективлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига икки йиллик топшириқларни адо этиш мажбуриятини олдилар. Суратда: корхонанинг илғор ишчиси Ойшахон Машарипова бригада бошлиғи Флюра Ҳамидуллинани икки йиллик топшириқни адо этганлиги билан қутламоқда.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ).

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

Ватанимиз инсониятнинг порлоқ келажаги — Коммунизм сари олға қараб яна бир шаҳдам қадам отди — ўлкамизга янги-янги зафарлар инъом этиб, янги, 1977 йил кириб келди. Бугун барчанинг қалбида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Янги йил табриги тугён урмоқда, у совет кишиларида она-Ватан шон-шарафи йўлида эришилган ютуқлардан чексиз фахрланиш ҳис-туйғуларини уйғотмоқда, янги йилда — КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган ишларимизнинг иккинчи йилида— янада улкан меҳнат жасоратлари сари илҳомлантирмоқда.

Маълумки, совет кишилари тантанали дамларда қилинган ҳамма ишларга, ҳар биримизнинг эсимизда қолган ва қалбимизга яқин бўлган ҳамма нарсаларга фикран назар ташлашга, босиб ўтилган йўлнинг сарҳисобини қилишга одатланиб қолишган. Дарҳақиқат, биз сарҳисоб қилишимизга арзигулик ишлар, қайд этишимиз учун арзигулик меҳнат жасоратлари ва қаҳрамонликларга бой 1976 йил Ватанимиз солномасига тарихий марра, зўр халқаро аҳамиятга молик воқеа — КПСС XXV съезди йили бўлиб киради. Бу йил миллион-миллион кишиларнинг ҳар бир иш участкасидаги иш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш йўлида юксак сиёсий активлик кўрсатиб, зарбдорларча меҳнат қилганликлари, социалистик мусобақа кенг қулоч ёйганлиги, совет кишилари съезд ўртага қўйган тарихий вазифаларни тўла ва ошириб адо этишга бел боғлаганликлари билан аҳамиятли турадн. Файзли 1976 йилнинг ўзида планлар ошириб бажарилганлиги ҳисобига мамлакат бир неча миллиард сўмлик қўшимча саноат маҳсулоти олди. Бу йилда янгидан-янги фабрикалар, заводлар, электр станциялар, темир йўллар, нефть ва газ қувурлари, шахталар ва кўмир разрезлари коммунизм учун ишлаётган корхоналар сафига қўшилди.

1976 йилда мамлакат қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар ҳам салмоқдордир. Колхозчилар ва совхоз ишчилари мамлакат тарихида энг мўл дон, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирдилар. Биргина бизнинг серқуёш республикамизда етиштирилган пахта ҳосилининг ўзи 5 миллион 340 минг тоннага етди. Узбекистон бўғдойзорлари, полизлари, боғлари ва яйловлари битмас-туганмас бойликлар манбанга айланди. Чорвадорлар давлатга мўл-кўл гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериб, бу борадаги планларини ва мажбуриятларини анча ортиги билан адо этдилар.

Шуни мамнуният билан қайд қилиш лозимки, 1976 йил меҳнаткашларнинг моддий ва маданий фаровонлигини ошириш юзасидан КПСС XXV съезди белгилаб берган улкан социал программанинг изчил бажарилаётганлиги билан нишонланди. Йил давомида меҳнаткашларнинг иш ҳақлари ошириб борилди, ижтимоий истеъмол фондлари тобора кўпаймоқда. Неча миллионлаб янги квартираларда Ильич чироқлари порлаб ёна бошлади. Юзлаб ва минглаб мактаблар, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший бинолар халқ хизматига топширилди.

1977 йил совет жамияти тараққиётининг шонли солномасига яна бир тарихий саҳифа бўлиб киради. Бу йил совет халқи, барча тараққийпарвар инсоният кишилик жамияти тарихидаги шонли сана — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонлайдилар. Совет халқи бу катта байрамни Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашиб кутиб олмоқда. Мамлакатда чинакам ижодкорлик, бунёдкорлик муҳити вужудга келтирилганки, бу муҳитда совет тузумининг, совет турмуш тарзининг демократик характери тобора тўлиқроқ намоён бўлмоқда. Меҳнаткашлар КПССнинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини, партия Марказий Комитетининг, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг фаолиятини якдиллик билан тўла-тўкис маъқуллашдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар. Партия билан халқнинг бузилмас бирлиги коммунизм сари муттасил олға қилаётган ҳаракатимизнинг янгидан-янги муваффақиятларини белгилаб бермоқда.

Учинчи беш йиллликнинг иккинчи йили одимлаётган шу кунларда бу йилнинг мислсиз қўламлари ва эришажак зафарларимиз силсиласи кўз олдимизда янада салобат билан намоён бўлаётир, биз унинг қаҳрамонларини аниқ-равшан кўриб турибмиз. Чиндан ҳам 1977 йилда коммунизм учун буюк курашимизнинг барча жабҳаларида янги юксак марраларни эгаллаш мўлжалланган. Улар КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1976 йил) Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси қарорларида, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат планида батафсил ифодасини топган. Бу марралар — Ватанимиз қудратини ва совет халқининг турмуш даражасини янада оширишга қаратилган улкан марралар — умуман ўнинчи беш йиллик марраларининг ажралмас бир бўлагидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бизнинг планларимиз ҳамиша тиғиз планлар, аммо айни пайтда ғоят реал планлардир. Ўтган йилларнинг бой тажрибаси бу планларнинг муваффақиятли бажарилишига бирдан-бир гаров бўлади. Биз эса ўтган йилларда ёмон ишлаганимиз йўқ, бу йиллар меҳнат ғаввати, сиёсий кўтаринкилиги Янги йилнинг ҳам ўзига хос файзига файз, латофатига латофат қўшиши мутлақо равшан.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун курош 1977 йилда янада авж олдирилиши керак. Биз саноатда ҳам, қурилиш ва транспортда ҳам, деҳқончилик ва чорвачиликда ҳам ўтган йилда фойдаланилмай қолган ички имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш эвазига, давлат томонидан ажратилган ҳар бир сўмдан, ҳар бир килограмм металлдан, минерал ўғитлардан рационал фойдаланиш эвазига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришимиз ва етиштиришимиз лозим. «Умуман беш йилликни бажариш учун дуруст замин, яхши гарантия яратиб қўйиш учун, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида, — 1977 йилда биз янада юқори маррага кўтарилишимиз, план режаларидан ўзиб кетиш учун ҳамма ишни қилишимиз керак. Ўз-ўзидан равшанки, бу ишни самарадорлик ва сифатга зарар етказмасдан, балки, аввало, самарадорлик ва сифатни ошириш асосида қилиш лозим».

Бундай улкан вазифаларнинг муваффақиятли эгалланишида ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг ғайрат-шижоати, ижодий ташаббускорлиги оммавий тус олаётганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Партиямизнинг мамлакат экономикасини ва маданиятини юксалтиришга, халқ моддий фаровонлигини оширишга қаратилган ҳар бир улкан план ва режаларини муддатидан олдин ва ошириб бажариш — совет кишилари ҳаётининг ажралмас қисмига, совет турмуш тарзига айланиб кетгандир.

Коммунизм қурилиши сари қўйилган ҳар бир қадам, ҳар бир қадиқа Ватанимизда барча улкан ишларга бошчилик қилиб келаётган шонли Коммунистик партиянинг доно ленинча сиёсати самараси бўлиб, халқ партия планларини ўзининг шахсий планлари деб билади. Табиийки, «Партия планлари— халқ планларидир» деган анъанавий чақириқ 1977 йилнинг ҳам асосий шиори бўлиб қолади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик йўлида, халқлар озодлиги ва мустақиллиги йўлида амалга ошираётган буюк Тинчлик программаси билан уйғунлашиб кетгандир. Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари 1977 йилда ҳам кескинликни юмшатишни янада чуқурлаштиришга, илғор тинчликни мустаҳкамлашга, замонамизнинг энг муҳим вазифасини ҳал этиш — қуролланиш пойгасини тўхтатишга қаратилган ҳаракатларини кучайтираверадилар.

ЯНГИ ЙИЛНИНГ ҚУТЛУҒ ОДИМЛАРИ

Учинчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлаган республикамиз меҳнаткашлари янги — 1977 йилни ҳам зарбдор меҳнат вахтаси билан бошладилар. Қуйида саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларидан келаётган ана шу ҳақда ҳикоя қилувчи хатлар оқимининг бир нечасини диққатингизга ҳавола қиламиз.

ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

Андижон хўжалик ва маданий буюмлар фабрикаси коллективи янги — 1977 йил ҳисобига меҳнат қилишни бундан бир ой олдин бошлаган эди. Январь ойининг дастлабки иш кунида эса коллектив февраль ойи ҳисобига иш бошлади. Корхона ҳисобчиларининг маълумотига кўра ҳозир корхонада меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,5 процент ошди. Кўплаб фанер, турли хил бўёқ ва электр энергияси тежаб қолинди. Эришилган ютуқларни қўлга киритишда корхонанинг Ғ. Юнусалиев, Б. Муродуллаев, Ғ. Саидолимов каби ўнлаб мебелсозлари ҳиссаси катта бўлди.

Т. САТТОРОВ,
корхона ишчиси.

ЗАРБДОР ВАХТА

1976 йилни муваффақиятли якунлаган Нукусдаги «Узсельтранспецстрой» трестига қарашли 3-махсус механизациялашган кўчма колонна коллективи янги 1977 йилни зарбдор меҳнат вахтаси билан бошлади. Шаҳар ва район марказларида, колхоз ва совхозларда янги йилнинг биринчи иш кунида пландагидан анча кўп асфальт ётқизилди, водопровод линиялари ўтказилди, канализация тармоқлари ўрнатилди. Колонна ишчи-хизматчилари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига астойдил меҳнат қилиб, йиллик планни 7 ноябрга бажаришга, салкам 2,5 миллион сўмлик ободонлаштириш ишларини амалга оширишга аҳд қилдилар. Йил давомида пландан ташқари 500 минг сўмлик иш бажарилади.

М. ПОЛВОНОВ,
слесарь.

ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

«Улуг Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олтмиш зарбдор меҳнат ҳафталигида актив қатнашамиз!» Полдаги «Узбеккровля» комбинати коллективининг аҳди шундай. Ўтган йилни пландагидан анча кўп — 17 миллион 271 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан якунлаган корхона ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари янги — 1977 йилда ҳар қачонгидан кўп қурилиш материаллари тайёрлашга сўз бердилар. Корхонада рубероид цехи ишчилари беш йиллик топшириқларини уч ярим йилда адо этиш ташаббусини бошлаб беришди. Ташаббус кенг қулоч ёймоқда.

М. МУРОДОВ,
Наманган.

ПОЕЗД ШАРҚҚА БОРАДИ

Соатнинг минут стрелкаси янги йил семафорини очар-очмас Тошкент —Товарная станциясидан поезд йўлга чиқди. Республика пойтахтидаги тепловоз депоси комсомол-ёшлар колоннасидан комсомол машинист Юрий Варюхин олис йўлга 3403 номерли юк поездини ҳайдаб кетди.

Ўрта Осиё магистралининг темирйўлчилари жўнатган беш йиллик иккинчи йилининг биринчи поездидаги юклар одатдагидек эмас эди. Улар Тошкентдаги корхоналар 1976 йилнинг охирги кунлари давлат программасига қўшимча равишда ишлаб чиқарган буюмлардир. Сибирнинг турли станциялари сари бораётган платформалар ва вагонларда пландан ташқари ишлаб чиқарилган неча ўнлаб хил маҳсулотлар бор. Колхозларга трактор прицеплари, тўқимачиларга пахта тойлари, БАМ қурувчиларига мева сувлари, компотлар, консерваланган сабзавотлар бор-мокда...

Янги йилнинг юк ташиш ҳисобини очиб беришдек фахрли ҳуқуққа эга бўлган Юрий Варюхин Тошкент депосининг коллективи йиллик программани барвақт бажаришига катта ҳисса қўшган кишилардан биридир. У кўпгина ҳамкасблари билан бирга Ўрта Осиё темирйўлидаги энг яхши машинистлар ташаббусини қўллаб-қувватлаб, оғир юк ортган поездларда анча юк ташиди ва бутун декабрь ойида эшелонларни бундан аввалги 11 ойда тежалган ёнилғи ҳисобидан ҳайдаб борди.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.

«УЗБЕКХИММАШ»-НИНГ ЯНГИ ЦЕХИ

Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводида янги тайёрлаш — пайвандлаш цехи технология асбоб-ускуналарини монтаж қилишга ўзирланди. 160-трест қурувчилари ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар: улар объектни муддатидан илгари юқори сифатли қилиб қурдилар.

Янги цехнинг қарийб уч минг квадрат метр майдонига замонавий пайвандлаш автоматлари, иш сифатини контрол қилувчи энг янги аппаратлар, шу жумладан рентгенология камераси жойлашади.

Бу цех лойиҳадаги қувватига эришгач, ҳар йили минг тонна пайванд конструкциялари ишлаб чиқарадиган бўлади.

(ЎзТАГ).

СССР: ЙИЛ ЯКУНЛАРИ СТАТИСТИКА ҚЎЗГУСИДА

1976 йилда совет гражданларидан ўн бир миллион киши янги квартира олди.

* * *

Ўтган йили 50 миллиондан зиёд киши мамлакатнинг дам олиш уйлари, санаторийлари ва бошқа шифохоналарида бўлди. Бу — 1970 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд кўп. Гражданлардан 130 миллион киши туристик юришлар ва экскурсияларда қатнашди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда касаба союз ташкилотларига қарашли бир мингга яқин пансионат, дам олиш уйлари, корхоналар ҳамда ташкилотларга қарашли икки мингдан зиёд санаторий ва профилакторийлар, шунингдек заводларнинг тўққиз мингга яқин дам олиш базалари, спорт-соғломлаштириш лагерлари бор.

* * *

Бу йил 4 та янги олий ўқув юрти ва 23 та ўрта махсус ўқув юртлари очилди. Челябинск ва Нукусда давлат университетлари, Запорожьеда индустриал институт, Олмаотада темир йўл транспорти инженерлари институти ташкил этилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 859 олий ўқув юрти ва 4310 техникум ҳамда билим юртлари ишлаб турибди. Буларда 9,6 миллионга яқин студент ва ўқувчи таълим олмоқда.

Учинчи беш йилликнинг биринчи йилида ўрта махсус ўқув юртлари студентлари ва ўқувчиларидан тўрт миллиондан ортиқ кишига стипендия берилди. Давлат стипендияларни тўлаш учун ҳар йили 1,6 миллиард сўмдан кўп маблағ сарф қилмоқда.

* * *

Бизнинг мамлакатимизда 360 мингта ҳар хил кутубхоналар бор. Ҳозирги вақтда икки юз миллиондан ортиқ киши бу кутубхоналардан бепул фойдаланмоқда.

* * *

Аэрофлот 1977 йил арафасида юз миллионинчи пассажирни ташиди. Жаҳондаги авиакомпаниялар ичида биринчи ўрин ҳам шу вақтгача бир йил ичида шунча кўп пассажир ташимаган эди.

Ҳозирги вақтда аэрофлот самолётлари мунтазам суратда қариб минг рейс ўтказмоқда. Шу жумладан 360 дан кўп рейс 1976 йилда уюштирилди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. Т. ОЙБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ МУЗЕЙИНИ «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари ҳамда сиёсий ва илмий билимларни тарқатиш борасидаги ишлари учун ва ташкил этилганига 100 йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг **М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи «Ҳурмат Белгиси»** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1976 йил, 31 декабрь.

«Ўнлар ташаббуси» издошлари

ФАХРИЙ МЕТАЛЛУРГ

Фил хартумига монанд бир-бирига занжир бўлиб кетган қалқонсимон электр печлар тезоқар дарёдай бир меъёрда шовуллаб ишлар, бошқа печларда тайёрланган маҳсулот бу ерда 2500 градус иссиқликда қайта пиширилар, ундан техника назорати бўлимига жўнатиларди. Бордию, электр қуввати белгиланганидан кам ёки сал ошиқроқ берилса борми, бу қимматли маҳсулотнинг сифати бир пасда бузилиши турган гап. Ахир, вольфрам машинасозликда қўлланиладиган зарур ҳом ашё. Рўзимат ва унинг ҳамкасблари буни яхши билади.

Бир одам мана шундай 3 та печни бошқариши норма қилиб белгиланган. Бироқ Рўзимат 18 та печнинг масъулиятини ўз зиммасига олган. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, албатта. Нега шундай қилдингикин-а? Бунга ундаган нарса нима ўзи?

Рўзимат гоҳ у печнинг, гоҳ бу печнинг ишини кузатар, пультни бошқарарди. Унинг чақмоқ кўзлари электр приборларнинг учли стрелкасида, чаққон қўллари эса марказий пультнинг тугмачаларида эди. У печнинг электр соатига диққат билан нигоҳ ташлайди. «Айни муддао, — кўнглидан ўтказди у. — Роса 40 минут бўлибди. Маҳсулотни водород оқимида қиздириш ниҳоясига етибди. Бундай энергия билан ҳар қандай металл созланади, ҳар хил ортиқча газлардан тозаланади. Энди бемалол техника назорати бўлимига юборилса бўлар». Рўзимат шуларни бир-бир кўнглидан ўтказди-да, печларнинг марказий пульти тугмачасини босди. Печлар ҳаракатдан тўхтади.

У кийиниб, деразани очди. Майин шабада димоғига ёқимли атир уфурди. У кўнгли тўлиб енгил нафас олди. Бу тонгнинг латофати ҳам, қалбларда уйғотган тароватн ҳам, фусункорлиги ҳам бошқача эди. Бу тонг ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили баҳоридан дарак беришини у ҳали билмасди... У энди пастки қаватга тушмоқчи бўлиб турувдики, печлар оралаб келаётган Вера Петровнани кўриб қолди. Вера шошиб унга томон келарди.

— Рўзимат Абдуқодирович. — унинг хаёлини бўлди тўлқинланиб Вера, — янгиликдан хабарингиз борми?

— Қандай янгилик? — ҳайрон бўлиб сўради Рўзимат.

— Сизни 1978 йил баҳори билан табриклайман.

— Қизиқ, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили эмди тугаяпти. Қандай қилиб мени олдиндан табриклашингиз мумкин? Нимага асосланиб?

— Клубдаги «Молния»ни ўқидингизми?

— Йўқ! Унда нималар ёзилган экан?

— Ана шунақасиз-да, камтарликка оласиз. Бутун комбинатда дув-дув гап. сиз тўғрингизда.

Кўзлар «Молния» сатрларн устида ўйнарди. «2 цехнинг катта пайвандчиси, ўнлар ташаббусинги издоши Рўзимат Абдуқодиров ўнинчи июнда 1978 йил планини бажарди.

Комбинат ишчилар комитети».

Бу сатрларни ўқиган Рўзимат бирпас нимагадир жимиб қолди. Унинг юзларида ёрқин бир нур жилва қиларди. Ахир, бир донишманд айтгандай, «Инсон ҳамиша бошқалар учун ёрқин нур бўлиб яшаши лозим. Бу нур бошқалар йўлини машъаладек ёритиб турсин».

Устознинг ютуги — шогирднинг ҳам катта ютуги, — деб қўйди охирида Вера Рўзиматнинг меҳнат муваффақиятларидан ўзида йўқ мамнун бўлиб. Веранинг қайси маънода қутлаганини Рўзимат энди тушунди. Улар мамнун хайрлашишди. Рўзимат уйига томон йўл олди. Шу пайт унинг кетидан 2-цехнинг ишчиси, пайвандчи Насиба ҳам сменадан чиқиб, етиб келди. Насиба Рўзиматнинг турмуш ўртоғи эмасми уни катта муваффақияти билан қутлади.

Ўрта мактабни тамомлаган Рўзимат Абдуқодиров 1966 йили Чирчиқдаги комбинатга ишга келган эди. Шундан бери орадан ўн йил вақт ўтди. Энди у тажрибали ишчи, йиллари кувиб ўтаётган коммунист. Ўтган йили мамлакатимиз металлургиясида социалистик мусобақасининг голиби бўлди. Унга «Фахрий металлург» нишони берилди.

Интилганга толе ёр, деганлари рост. Яхши ният ишлаб чиқаришда унга ҳамиша қанот бўлиб келган ва бўлади. Ўтган йилнинг 6 ноябрь куни комбинат ташкил этилганлигининг 20 йиллиги нишонланди. Рўзимат бу қутлуғ айёмни 1977 йил планини бажариш билан кутиб олди.

Корхонада самарадорлик ва сифат учун кураш ҳар бир ишчининг виждон бурчига айланган. Тайёрланган маҳсулот цех ва участкаларда сифат комиссиялари назоратидан ўтказилади, кейин қабул қилинади. Раҳимбой Нормуҳаммедов бошчилик қилаётган цех ишлаб чиқараётган маҳсулотлар йил бошидан бери фақат биринчи сортга қабул қилинмоқда. Чунки, бу ерда Рўзимат Абдуқодиров, Тўланбой Худойберганов, Надя Закиева, Муҳаббат Умарова, ака-ука Штайер, Наримон Исломов, Зубайдулла Тошматов сингари илғор металлурглар ишлайди-да!

Комбинат ишчи, инженер-техник ходимларининг 60 процента коммунистик меҳнат зарбдорлари. Уларнинг самарали меҳнати билан корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шулардан 21 ҳилига давлат Сифат белгиси берилган. Корхонанинг асосий маҳсулотлари мамлакатимиздаги кўпгина машинасозлик корхоналари юрагига қон томиридек хизмат қилаётир.

Ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кун сайин кўпайтиришда Рўзимат Абдуқодировнинг улуши бор. У бу билан фахрланса арзийди.

А. АҲМЕДОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

СИФАТНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

МУҲИМ ОМИЛ

КПСС XXV съезди халқ хўжалиги олдига қўйган энг муҳим вазифалардан бири маҳсулот сифатини янада яхшилашдир. Уни амалга оширишда КПСС Марказий Комитети маъқуллаган льовликларнинг сифатни бошқариш комплекс системаси жуда қўл келади.

Республикамиз министрликлари ва бошқармалари, йирик бирлашма ва корхоналар партиянинг юқоридаги қарорини бажара бориб, ўнинчи беш йиллик учун муайян планлар тузадилар. Еттита таянч ташкилот, 70 таянч корхона тайинланди. Бу ташкилот ва корхоналар маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий қилишда тегишли саноат тармоқларида методик марказ сифатида иш олиб борадилар. Мисол учун, таянч корхона бўлмиш Ўзбекистон СС ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳар йили илмий-амалий конференция ўтказиш традиция бўлиб қолди. Конференцияларда барча тикувчилик корхоналари мутахассислари маҳсулот сифатини бошқариш тажрибасини алмашадилар. Машинасозлик саноати корхоналари орасида таянч бўлган Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида ҳам илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Барча область марказларида СССР Министрлар Совети Давлат стандартлар комитети Ўзбекистон республика бошқармасига қарашли давлат назорат лабораториялари қошида таянч-консультация пунктлари ишлаяпти. Стандартлар бошқармаси ва Ўзбекистон илмий-техника жамияти республика Совети ташкил этган сифат кабинетида доимий ишлайдиган семинар очилган. 1975—1976 йилларда бу семинарда машинасозлик, электр техника, электрон техника, енгил, маҳаллий, озиқ-овқат саноатлари мутахассисларидан 310 киши ўз малакасини оширди. Тошкентдаги марксизм-ленинизм университети қошидаги сифат кабинетида ҳам доимий ишлайдиган семинар мавжуд.

Сифат, стандартлаш ва метрология соҳасида раҳбар ҳамда инженер-техник ходимлар малакасини ошириш Бутуниттифоқ институти Тошкент факультетида 1976 йилнинг ўзидагина 685 тингловчига маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаси асосларидан махсус лекция ўқилди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигида маҳсулот сифатини бошқаришни жорий қилишни жадаллаштириш учун 23 кишидан иборат ташкилий-координация группаси тузилди. Саксонта таянч корхона тайинланди. Тасдиқланган график бўйича 1976—1977 йиллар мобайнида 61 та енгил саноат корхонасида системани жорий қилишни тугаллаш мўлжалланган.

Мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси қарори билан Олмалиқ мебель фабрикаси таянч корхонага айлантирилган. Фабрика 1977 йилнинг иккинчи кварталида, Ўтган йилнинг 6 ноябрь куни комбинат ташкил этилганлигининг 20 йиллиги нишонланди. Рўзимат бу қутлуғ айёмни 1977 йил планини бажариш билан кутиб олди.

Корхонада самарадорлик ва сифат учун кураш ҳар бир ишчининг виждон бурчига айланган. Тайёрланган маҳсулот цех ва участкаларда сифат комиссиялари назоратидан ўтказилади, кейин қабул қилинади. Раҳимбой Нормуҳаммедов бошчилик қилаётган цех ишлаб чиқараётган маҳсулотлар йил бошидан бери фақат биринчи сортга қабул қилинмоқда. Чунки, бу ерда Рўзимат Абдуқодиров, Тўланбой Худойберганов, Надя Закиева, Муҳаббат Умарова, ака-ука Штайер, Наримон Исломов, Зубайдулла Тошматов сингари илғор металлургилар ишлайди-да!

Комбинат ишчи, инженер-техник ходимларининг 60 процента коммунистик меҳнат зарбдорлари. Уларнинг самарали меҳнати билан корхона сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шулардан 21 ҳилига давлат Сифат белгиси берилган. Корхонанинг асосий маҳсулотлари мамлакатимиздаги кўпгина машинасозлик корхоналари юрагига қон томиридек хизмат қилаётир.

Ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кун сайин кўпайтиришда Рўзимат Абдуқодировнинг улуши бор. У бу билан фахрланса арзийди.

А. АҲМЕДОВ.
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

СИФАТНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

МУҲИМ ОМИЛ

КПСС XXV съезди халқ хўжалиги олдига қўйган энг муҳим вазифалардан бири маҳсулот сифатини янада яхшилашдир. Уни амалга оширишда КПСС Марказий Комитети маъқуллаган льовликларнинг сифатни бошқариш комплекс системаси жуда қўл келади.

Республикамиз министрликлари ва бошқармалари, йирик бирлашма ва корхоналар партиянинг юқоридаги қарорини бажара бориб, ўнинчи беш йиллик учун муайян планлар тузадилар. Еттита таянч ташкилот, 70 таянч корхона тайинланди. Бу ташкилот ва корхоналар маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий қилишда тегишли саноат тармоқларида методик марказ сифатида иш олиб борадилар. Мисол учун, таянч корхона бўлмиш Ўзбекистон СС ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳар йили илмий-амалий конференция ўтказиш традиция бўлиб қолди. Конференцияларда барча тикувчилик корхоналари мутахассислари маҳсулот сифатини бошқариш тажрибасини алмашадилар. Машинасозлик саноати корхоналари орасида таянч бўлган Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида ҳам илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Барча область марказларида СССР Министрлар Совети Давлат стандартлар комитети Ўзбекистон республика бошқармасига қарашли давлат назорат лабораториялари қошида таянч-консультация пунктлари ишлаяпти. Стандартлар бошқармаси ва Ўзбекистон илмий-техника жамияти республика Совети ташкил этган сифат кабинетида доимий ишлайдиган семинар очилган. 1975—1976 йилларда бу семинарда машинасозлик, электр техника, электрон техника, енгил, маҳаллий, озиқ-овқат саноатлари мутахассисларидан 310 киши ўз малакасини оширди. Тошкентдаги марксизм-ленинизм университети қошидаги сифат кабинетида ҳам доимий ишлайдиган семинар мавжуд.

Сифат, стандартлаш ва метрология соҳасида раҳбар ҳамда инженер-техник ходимлар малакасини ошириш Бутуниттифоқ институти Тошкент факультетида 1976 йилнинг ўзидагина 685 тингловчига маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаси асосларидан махсус лекция ўқилди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигида маҳсулот сифатини бошқаришни жорий қилишни жадаллаштириш учун 23 кишидан иборат ташкилий-координация группаси тузилди. Саксонта таянч корхона тайинланди. Тасдиқланган график бўйича 1976—1977 йиллар мобайнида 61 та енгил саноат корхонасида системани жорий қилишни тугаллаш мўлжалланган.

Мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси қарори билан Олмалиқ мебель фабрикаси таянч корхонага айлантирилган. Фабрика 1977 йилнинг иккинчи кварталида системани жорий қилиб бўлади. Фабрикага ёрдам бериш ишн бошқарманинг махсус лойиҳалаш конструкторлик-технология бюросига топширилган. Ҳозирги кунда системага оид 50 га яқин корхона стандарти тузилган. 1976 йилнинг охирида фабрикада «Меҳнат сифатини оператив равишда ҳисобга олиш» ҳамда «Бенуқсон ишлаш системасининг асосий вазифалари ва функциялари» деган стандартлар ишлаб чиқаришга жорий қилинишн кўзда тутилаяпти. Тошкент «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Янгийўл мебель фабрикасида ҳам маҳсулот сифатини бошқариш системасини яқин йиллар ичида жорий қилиниши планлаштирилган.

Маҳаллий саноат корхоналарида ҳам системани жорий қилиш ишлари олиб борилаётир. Таянч ташкилот сифатида Давлат махсус бадиий конструкторлик технология бюроси танлаб олинди.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам аҳвол кўнгилдагидай деб охирларигача системани жорий қилиб бўлади. Фабрикага ёрдам бериш ишн бошқарманинг махсус лойиҳалаш конструкторлик-технология бюросига топширилган. Ҳозирги кунда системага оид 50 га яқин корхона стандарти тузилган. 1976 йилнинг охирида фабрикада «Меҳнат сифатини оператив равишда ҳисобга олиш» ҳамда «Бенуқсон ишлаш системасининг асосий вазифалари ва функциялари» деган стандартлар ишлаб чиқаришга жорий қилинишн кўзда тутилаяпти. Тошкент «Шарқ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Янгийўл мебель фабрикасида ҳам маҳсулот сифатини бошқариш системасини яқин йиллар ичида жорий қилиниши планлаштирилган.

Маҳаллий саноат корхоналарида ҳам системани жорий қилиш ишлари олиб борилаётир. Таянч ташкилот сифатида Давлат махсус бадиий конструкторлик технология бюроси танлаб олинди.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам аҳвол кўнгилдагидай деб бўлмайди. Республика стандартлар бошқармаси 235 корхонада маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий қилиш ҳолатини текшириб чиқди. 136 корхонада бу иш бошланганлиги аниқланди. Текширган 40 процент корхонада ҳалигача ишга киришилмаганлигини кўрсатди.

Комплекс системани жорий қилиш, айниқса, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводларида қониқарсиз олиб борилаётир. Шу вақтгача бу масала бўйича бирорта ҳам методик қўлланма тузилмаган.

Ўзбекистон ССР саноат корхоналарида маҳсулотларни давлат Сифат белгиси билан чиқариш учун кўпгина имкоият ва резервлар бор. Булардан энг муҳими — сифатни бошқариш комплекс системасини жорий қилишдир. Бу ишга барча ишчи ва хизматчилар сафарбар қилиниши лозим.

М. АЛИМОВ.
Ўзбекистон Стандартлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, иқтисод фанлари кандидати.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПЛАНИ АМАЛДА

ҚИШЛОҚ ФАЙЗИ

В. И. Ленин қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш планини ишлаб чиқар экан, шаҳар билан қишлоқ, ишчилар синфи билан деҳқонлар, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларни тугатиш унинг бош социал вазифаси бўлажагини таъкидлаган эди. Ленин партияси бу жуда катта вазифани муваффақият билан рўёбга чиқармоқда.

— Районимиз партия ташкилотлари меҳнат коллективларининг социал-иқтисодий тараққиёт комплекс планларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш йўлида собитқадам иш олиб бормоқдалар, — деди Қува район партия комитетининг биринчи секретари Мусажон Шербўтаев.

Қуйида райком ва бошланғич партия ташкилотларининг қишлоқ маданиятини ошириш, меҳнат коллективларини социал-иқтисодий ривожлантириш планларини бажариш тажрибаси ҳақидаги мақолани ўқийсиз.

1. ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Коммунист Иноможон Шерматов билан яхши танишмиз. У — «Коммунизм» колхозининг экономисти. Ҳар учрашганимизда хўжалик ютуқлари, қишлоқ янгиликлари хусусида мароқ билан сўзлайди. Бир куни, гап орасида қандай қилиб олий маълумот олганини эслаб қолди:

— Раисимиз Мусажон ака идорага чақириб қолди. «Хўжалигимиз катта, — раис гапни узоқдан бошлаётгани сезилиб турарди. — Ҳозироқ олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёжимиз ошяпти. Бешўн йилдан кейинги аҳволни эса тасаввур қилиб кўравер».

Иноможон раснинг гапларини сукут сақлаб тингларди. Мақсадини англаб олиш га ҳаракат қиларди. Ўзининг бу ҳолатини кейинчалик у шундай изоҳлайди: «Буни қарангки, ўшанда шуни ҳам тушунмабман. Раснинг мўлжали мени ўқишга юбориш экан». Иноможонни колхоз ўқитди. Олий маълумот олиши учун бутун шароитни яратиб берди. Мана энди у — хўжалик «қиримчиқими»нинг бош мутаассиси.

Колхоз экономика бўлими шинамгина хонага жойлашган. Бу ерда бир нарсага ҳайрон қоласан киши. Экономистлар чўт ишлатишмайди. Унинг ўзи ҳам йўқ. Экономистларнинг иш хусусияти тубдан ўзгарган. Шу ҳақда гап очилса, Иноможон кулиб қўяди:

— Илгарилари минг-мингларни ҳисоблардик. Энди ҳисобимиз милионлар устида боради. Шундай бўлгач, чўт билан иш битмайди-да. Ҳисоблаш машиналаридан фойдаланяпмиз.

Ҳозир колхоз бухгалтериясида ўн беш мутахассис ишлайди. Шулардан 7 киши — олий, 5 киши—ўрта махсус маълумотли. Ишлар — Комилахон Муллаева, Мухтасар Сатторовалар иштиҳтуларда ўқишяпти. Ёлғиз экономика бўлимида уч мутахассис меҳнат қилади. Шулардан иккитасиг олий малакали экономист. Бу ерда «нормаловчи», «планлаштирувчи — таққословчи» вазифалари жорий этилган.

Ўн йилча илгари колхозда биронта ҳам олий маълумотли мутахассис йўқ эди. Ўшанда партия ташкилоти коллективнинг социал-иқтисодий тараққиёт комплекс планини ишлаб чиқди, бу масалани кун тартибининг долзарб вазифаси деб белгилади. КПСС Марказий Комитети март (1965 йил) Пленуми қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш йўлини маъқуллаган, партия аграр сиёсати дастлабки натижаларни бера бошлаган кезлар эди. Турмуш маданиятини, кишилар маънавий камолотини оширишнинг реал имкониятлари туғила бошлади. Кадр тайёрлаш соҳасидаги ишлар ўз самарасини берди. Ҳозир колхозда 21 олий маълумотли, 40 дан ортиқ ўрта махсус маълумотли мутахассислар меҳнат қилмоқда. Шу кунларда ҳам 30 йигит-қиз колхоз йўлланмаси билан турли ўқув юртларида таҳсил кўряпти. Уларнинг аксарияти — колхоз стипендиати. «Сиртдан ўқиётганлар-чи?». Буни қарангки, колхозда уларнинг аниқ ҳисоби юритилмас экан.

Суҳбат орасида ижтимоий фондлардан ҳар бир колхозчи қанчалик манфаат кўраётгани билан қизиқдик.

— Ҳозир, — Иноможон шундай деди-да, «Искра-III» машинасини электр тармоғига улади. — Бу йил маданий-маиший эҳтиёжларга 180 минг сўм сарфланди-а? — У планлаштирувчи-таққословчи Дилбархон Сайфуллаевага мурожаат этди.

Дилбархон рўпарасидаги жавондан қалин дафтарни олди. Унинг бир саҳифасини очиб, рақамларга кўз югуртирди.

— Хотирангизга балли, Иноможон ака — 130 минг.

Шерматов машина тугмачаларини босиб, ҳисобни чиқариш учун унга программа топширди. Рақамлар рақса тушгандек ўйноқлаб, қўшилиб бўлинди. Кўрсаткич таблосида 53 рақами пайдо бўлди.

— Кўрдингизми, ҳар бир колхозчи ясли, клуб, кутубхона хизматидан фойдаланганми, колхоз спорт иншоотларида шуғулланганми учун хўжалигимиз ҳозиргача 53 сўмдан маблағ сарфлади.

Қува қишлоқларида маънавий етук, жисмоний бакамол кишиларни тарбиялаш учун шароит яхшиланиб бормоқда. «Коммунизм» колхози партия комитетининг секретари Юнус Шамсиддинов қишлоқни айлантираётганида унинг кўзлари да нефтихор, фахрланиш туйғулари бадиқ турарди. Одатда киши ўз меҳнатидан, коллективнинг ҳамжиҳатлиги билан юзага келган ютуқлардан шундай ғурурланади. Бу колхозда кейинги йилларда бутун бошли шаҳарча қад кўтарди. Интернат, маиший хизмат корхоналари, савдо маркази... Колхозчилар уйни пишиқ ғиштдан қуришяпти. Ғиштни колхоз заводи етказиб беряпти.

Марказий посёлкадан Катта Фарғона канали бўйига қараб юрсангиз, адир устида муҳташам бино кўзга ташланади. Сиртдан қараганда у маданият муассасасини эслатади. Атрофи ораста, гулзор. Лекин бу колхоз насос станцияси, холос. Адирга сув чиқариб беради. Станция қурилгач, 500 гектардан ортиқ адир ерлар ўзлаштирилди.

— Бу ерда электрчи, моторчи-машинистлар ишлашади, — партия комитетининг секретари Кулимсирашидан колхозимизда шундай касблар ҳам бор демоқчи экани сезилиб турарди.

Дарҳақиқат, колхозларда янги-янги касб эгалари етишиб чиқмоқда. Энди «пахтакор» тушунчасининг мазмуни бекиёс кенгайди, у умумийлик касб этди. Бир вақтлар пахтакор деганимизда кетмончини, этак тутган теримчини тасаввур этардик. Энди-чи? Аҳвол тамомила бошқача. Бу сўз тилга олинса, унга албатта аниқлик киритиш заруриятга пайдо бўлади. Тракторчи, механик-ҳайдовчи, суғориш насослари машинисти, ремонтчи-слесарь, қилни қирқ ёриб, тупроқ таркибини аниқловчи лаборант... Буларнинг ҳаммаси пахтакорлардир.

Умумий ўсиш деҳқончилик маданиятини, меҳнат унумдорлигини оширишни, истиқболни белгиловчи бош омилга айланди. Шу ўринда биргина рақам кифоя: сўнгги йилларда Қува районида пахтанинг ўртача ҳосили деярлик 7 центнер ўсди.

Чорвачиликни айтмайсизми? Чорвадор ишининг характери, меҳнат мазмуни тубдан ўзгарди. Колхоз чорвачилик комплекси қуришга киришганида суғориш, тозалаш линиялари, электр ускуналарини ишлатиш учун четдан мутахассис жалб этиш фикри йўқ эмасди. Лекин партком бу ўринда ҳам ўз йўлини тутди: йигит-қизларни ўқитди, кадрларни ёш колхозчилар орасидан танлаб тарбиялади. Эндиликда чорвачиликда чорвадор-механизатор, сут соғиш ускуналари оператори, электр машинисти сингари касб эгалари меҳнат қилишмоқда.

Замонавий техника ва технология қишлоқ меҳнатчиси иш жараёнининг мазмунини шу тариқа бекиёс ўзгартириб юборди. У қўл меҳнатидан машиналашган меҳнатни бошқарувчига айланиб бормоқда. Ўқишга, техникани эгаллашга ялпи интилиш кучайганлигига ҳам худди шу нарса сабаб бўлди.

— Шундай колхозлар ҳам борки, уларда куч етишмайди, — мулоҳаза этади Димитров номли колхоз партия комитетининг секретари Хўжамберди Юсупов. — Шунда қанақанги йўл тутишмайди денг?! Баъзи одамларни манфаатдор қилиш йўлини тутаяпмиз. Қишлоқда турмуш маданияти ўсгани сари бу манфаатдорликнинг жозиба кучи ошмоқда. Истаган хонадонингизга киринг; бу колхозчининг уйими, ўқитувчи, ишчи ёки врачнинг уйими — фарқи йўқ.

Секретарь бир фурсат сукутга чўмди. У нимадир демоқчи бўлар, фикрларини жамларди.

— Очиғи, қишлоқ магазинларида пишиқ, сержило мебеллар етишмай қолди. Қўпинча магазинимиз маънавий эскирган креслолар, диванлар, шифоньерлар билан тўлиб турганини кўрамиз.

Юсупов партия ташкилотининг бош йўлини аниқ тасаввур қилади. Бу йўл колхоз коллективининг социал-иқтисодий тараққиёт планида ўз ифодасини топган. Планга «Жамиятнинг **барча** аъзоларининг **тўла** фаровонлиги ва **ҳар томонлама** эркин ривожланиши...»дан иборат ленинча қоида асос қилиб олинган.

Суҳбат вақтида Юсупов бир воқеани ҳикоя қилиб берди. Колхозчи Тоғржон Деҳқонов хўжаликда ўртамиёна меҳнат қиларди. Нима бўлди-ю, у Полвонтош нефть конига ишга ўтди. Шу бригададан Таваккал Мирзаев ҳам бошқа жойда ишлагани кетиб қолди.

Бу йигитлар колхознинг янги очилган ерлардаги бригадасида ишлашарди. Ҳосил 18-20 центнердан ошмасди. Кўп ўтмай партком коммунист Аҳмад Алимқуловни шу коллективга ишга юборди. Тажрибали деҳқон ишни янгича ташкил эта билди, одамларни қовуштира олди. Биринчи йилиёқ 30 центнердик марра эгалланди. Кейинги йиллари ҳосилдорлик мутлақо 45-50 центнерни ташкил этди. Колхозчилар 100-120 сўмдан ойлик, тобора кўпроқ мукофот оладиган бўлиб қолишди. Даромад ошгач, бригада аъзоларининг орзу-ҳаваси ҳам ўсди. Янги уйлар қуришди, рўзғорларини бутлашди. Буни кўриб, ҳалиги йигитлар яна ўз бригадаларига қайтишди.

Абдураҳмоновлар хонадони ҳам бу колхозда таниқли. Полвон ота Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Колхозда узоқ йиллар меҳнат қилди. Ҳозир пенсияда. Унинг икки ўғли механизатор. Қизлари, келини ҳам колхозчи. Улар меҳнатга яраша маъмур турмуш кечиришяпти. Ҳар йили 8400-8500 сўмдан даромад олишяпти. Абдураҳмоновлар қишлоқнинг илғор фикрли, ўқимишли кишилари.

«Ўнинчи беш йиллик даврида ривожланган социализмнинг афзалликлари ва инжиқ кучлари янада тўлароқ намоён бўлади, — деб таъкидланади КПСС XXV съезди тасдиқлаган «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да, — жамиятнинг, коллективларнинг ва ҳар бир кишининг манфаати бир-бири билан янада мустаҳкамроқ уйғунлашади». Бу — партиянинг ягона иродаси, унинг олий мақсади. «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик». Бу кўҳна мақол ўзининг бутун ҳикматини бугунги кунимизда рўй-рост намоён қилмоқда. Коммунист Иноможон Шерматов: «Бу ўзгаришларнинг ўз таянч нуқтаси бор, — деб айтди. — Бу— одамлар, ўқимишли, техника тилини биладиган, юксак маданиятли замондошларимиздир». Коллективларнинг социал-иқтисодий тараққиёт планларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қишлоқ меҳнаткашлари маиший фаровонлигини маънавий етуклик билан ўйғунлаштирмоқда. Шу тарика жамият аъзоларининг эътибори, меҳнат маҳсулидан баҳра олган янги инсон ўзининг бутун ижодий кучини, юксак малакали меҳнатини коллектив истиқболи учун, замондошларнинг ҳаёти янада гўзалроқ бўлиши учун сарфламоқда.

Жўра САЎДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
Фарғона области.

— Янги, 1977 йил ҳисобига иш бошлаганимга анча бўлди, — дейди Тошкент трактор заводининг илғор ишчиси Евгений Топилский.

Корхонада Е. Топилскийга ўхшаган илғор ишчилар жуда кўп. Уларнинг гайрат-шижоати билан Тошкент трактор заводи ўтган йилги иш якунлари бўйича иттифоқдаги тўрдош корхоналар ўртасида учинчи ўринни эгаллади. Суратда: мусобақа пешқадами Е. Топилский.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

РАСМИЙ БЎЛИМ

ҒОЛИБЛАР

Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллиги номли Наманган шойи комбинатидаги икки тўқувчилик комплектининг ходимлари бир вақтда икки йиллик нормани бажарганликлари муносабати билан қутлов эшитдилар. Булар мусобақадош В. Ломакин ва Ф. Камолов бригадалари эди. Иккала коллектив 86-88 процентдан жуда яхши шойи тўқиб, биринчи сорт маҳсулот бериш юзасидан белгиланган нормалардан анча ўзиб кетди.

Илғор бригадалар комбинатда биринчилардан бўлиб «Ўнлар ташаббусини қўллаб-қувватладилар ва беш йилликнинг биринчи йилида «Беш йилда ўнта йиллик норма бажарамиз» деган шиор остида ишладилар. Иккала бригада 32 ўрнига 60 тадан тўқув станогини ишлата бошлаганлиги натижасида уларнинг меҳнат календарида 1978 йил бошланган.

Наманган.

(ЎзТАГ мухбири).

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

ЎҚИШ ВА ЎҚИТИШДА СИФАТ

Ҳар бир ишда самарадорлик ва сифатни таъминлаш Марғилон шаҳри меҳнаткашларининг асосий вазифаси бўлиб қолди. Уларнинг шу йўлда қилаётган барча ибратли ишлари «МАРҒИЛОН ҲАҚИҚАТИ» шаҳар газетаси саҳифаларида мунтазам ёритиб бориляпти. Газетада «Думалоқ стол атрофида» доимий рубрикасининг ташкил топгани бу муҳим томани ёритишни анча осонлаштирди. Яқинда газета ана шу рубрика остида навбатдаги саҳифа материалларини газетхонларга тақдим этди. Бу саҳифада мактаб-маориф ишларида самарадорликка эришиш, таълим сифатини ошириш ҳақида фикр юритилади.

ҚАҲРАМОННОМА

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш Ўзбекистон район партия ва совет ташкилотлари фойдасига муҳим ўрин олмоқда. Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар «ПАХТАКОР» район газетаси саҳифаларида мунтазам ёритиб борилмоқда. Ўрнатилган газета материалларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш темасини изчиллик ва оперативлик билан ёритиш мақсадида «Қаҳрамоннома» доимий рубрикаси очди. Шу рубрика остида ҳар ойда бир марта саҳифа бериб борилмоқда. Яқинда навбатдаги саҳифа газетхонлар эътиборига ҳавола қилинди. Унда ёшларни Совет Армияси сафига узатиш маросими ҳақидаги репортаж, Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонона жанг қилган фарғоналик жангчилар жасорати тўғрисида лавҳалар босилган.

«К-700» ВА «Т-150» ТРАКТОРЛАРИГА ТИРКАЛАДИГАН МАШИНАЛАР

КПСС XXV съезди тасдиқлаган «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»да «К-700» ва «Т-150» типидаги тракторларнинг техникавий имкониятларидан тўла фойдаланиш учун қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мўлжалланди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «1976—1980 йилларда «К-700» ва «Т-150» типидаги тракторлар билан бирга ишлатиладиган ҳайдов ва экиш машиналари ҳамда қуроллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Бир қанча министрликлар ва айрим иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ўнинчи беш йилликда плуг, тезкор культиваторлар, сеялкалар, ер юмшатувчи дискали машиналарни ва бошқа машиналарни ҳамда уларнинг запас қисмларини зарур миқдорда ишлаб чиқариш, шунингдек шу мақсадда тегишли ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш юзасидан топшириқлар белгиланди.

СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлиги, СССР Саноат қурилиши министрлиги ва СССР Қурилиш министрлиги «К-700» ва «Т-150» типидаги тракторлар билан ишлайдиган ҳайдов ва экиш машиналари ҳамда қуролларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган заводларда объектлар қуриш, уларни кенгайтириш ва реконструкция қилишни ҳамда мўлжалланган ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилишини таъминлашлари, шунингдек Пенза областининг Сердобск шаҳрида дискали машиналар ва мослаштирилган агрегатлар ишлаб чиқарувчи янги заводни қуришлари керак.

Станоксозлик ва инструментал саноат министрлигига, Оғир ва транспорт машинасозлиги министрлигига ҳамда Электротехника саноати министрлигига автомат линияларни, металл қиркувчи махсус станокларни, оғир ва ноёб темирчилик — пресс ва электротехника ускуналарини тайёрлаб, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига етказиб бериш топширилди. СССР Қора металлургия министрлигига 1978—1980 йилларда плуг отвалларини ишлаб чиқариш учун уч қатламли пўлат тахтани, шунингдек рухланган металл буюмларни ва сифатли пўлатдан ясалган мустаҳкамлагичларни зарур миқдорда тайёрлаб, етказиб бериш топширилди.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига янги (етишмаётган) машиналар конструкцияларини ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берилди ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳамда «Союзсельхозтехника» билан биргаликда бу машиналарни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш таклиф қилинди.

КОНЧИЛАРНИНГ ИНТИЗОМ УСТАВИ

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун асосларига мувофиқ, СССР Министрлар Совети жуда хатарли ер ости шароитларидаги ишлар билан банд бўлган ходимларнинг интизоми ҳақидаги уставни тасдиқлади.

Уставда бундай дейилади: мураккаб кон-геология шароитларида бажарилаётган ер ости ишлари ҳажмининг кўпайиб бораётганлиги, юқори унумли техника ишлатилаётганлиги, кон чуқурлиги ва босимининг ортиб бораётганлиги жуда хатарли ер ости шароитларидаги ишлар билан банд бўлган ходимлардан юксак уюшқоклик, интизом ва оперативчиликни, ўз бурчларини бажаришга онгли ва виждонан муносабатда бўлишни, хавфсизлик қоидаларига ва нормаларига қаттиқ риоя қилишни талаб этади.

Устав жуда хатарли ер ости шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга жорий қилинади. Ер остидаги ишга тушириш, кончилик корхоналарини қуриш ва реконструкция қилиш, метрополитенлар ва турли тоннелларни барпо этиш ишлари ана шундай шароитлар жумласидандир. Устав юқорида айтиб ўтилган ер ости ишларига бевосита раҳбарлик қиладиган ва ишларни хавф-хатарсиз бажариш қоидалари ва нормаларига риоя қилинишини назорат қилиб турадиган ходимларга нисбатан ҳам жорий этилади.

Устав СССР Кўмир саноати министрлиги, СССР Қора металлургия министрлиги, Химия саноати министрлиги, Транспорт қурилиши министрлиги, РСФСР Ёқилғи саноати министрлиги ва бошқа баъзи министрликларнинг айрим корхоналари ҳамда ташкилотлари ходимларининг интизомини тартибга солади.

Бу устав қайси корхона ва қайси ташкилотларнинг ходимларига нисбатан жорий этиладиган бўлса, ана шу корхона ва ташкилотларнинг конкрет рўйхати СССР министрликлари, идоралари ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари томонидан тегишли касаба союз органлари билан келишиб белгилаб чиқилади.

Уставда ходимларнинг, шунингдек ер ости ишларига бевосита раҳбарлик қилувчи кишиларнинг бурчлари белгилаб берилган.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ҚАРЗ БЕРИШ

КПСС XXV съезди тасдиқлаган «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишига ёрдам бериш тадбирларини амалга оширишни кўзда тутади. Шу муносабат билан СССР Министрлар Совети «Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилишига қарз бериш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда, жумладан, 1977 йил 1 январидан бошлаб якка тартибда уй-жой қуриш учун колхозчиларга, қишлоқларда жойлашган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ишчилари, хизматчилари ҳамда инженер-техник ходимларига 1500 сўмгача қарз бериш кўзда тутилади. Бу қарз уй-жой қурилиб бўлганидан кейин 10 йил ичида тўланади.

Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи Ватан уруши инвалидларига ва ҳарбий хизматчиларга мансуб бўлган бошқа инвалидларга якка тартибда уй-жой қуриш учун 1500 сўмгача бўлган миқдорда қарз берилади. Бу қарз учун процент олинмайди. Ана шу қарз уй-жой қуриб битказилганидан кейин учинчи йилдан бошлаб 10 йил ичида тўланади.

Бу қарор қарз олувчиларнинг айрим категорияларига (қишлоқ механизаторлари, қишлоқ мактабларининг ўқитувчилари ва ҳоказо) қарз бериш, қарзнинг миқдори ва уни узиш муддатлари юзасидан амалдаги тартибни сақлаб қолади. СССР ҳукуматининг қарорларига мувофиқ бўлар учун қарз беришнинг янада имтиёзли шартлари белгиланган.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети «Давлат бюджетида бўлган соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларига иш ҳақи фондининг муайян бир қисмини ишда яхши натижаларга эришган ва аҳолига медицина ёрдами сифатини оширган ходимларни мукофотлаш учун сарфлаш асбоб-ускуна ва анжомлар сотиб олиш учун бюджетдан ажратилган пулдан ташқари ортиқча ва фойдаланилмаётган асбоб-ускуналарни реализация қилишдан олинган маблағлар ҳисобига ҳам уларни сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг раҳбарларига умуман муассаса бўйича йиллик ажратмаларнинг жамики миқдори доирасида сметанинг айрим моддаларига мувофиқ ажратиладиган маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятини тўғдирадиган ҳуқуқлар ҳам берилди.

Қарор 1977 йил 1 январдан кучга киради. (ТАСС).

ТЎҚИМАЧИЛАР ДАЪВАТИ

Янги йил арафасида Марғилон ипак комбинатида «Тўрт йиллик топшириқни Октябрь юбилейигача бажарамиз» деган ватанпарварлик ташаббуси вужудга келди. Ишлаб чиқариш илғорларидан беш киши — пилла тортувчи Людмила Рачеева, Мухтасар Ҳамдамова, Фотима Жўраева, Ҳафиза Мамасолиева ва Федосья Холомилина ўнинчи беш йилликнинг икки йили топшириғини барвақт бажариб бўлишиб, зиммаларига янги мажбурият олдилар. Илғор ишчилар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача тўрттадан йиллик топшириқ бажаришга қарор қилдилар. Хизмат зонасини тиғизлаштириш, турдош касбларни эгаллаш, илғор иш методларини қўлланиш ҳисобига шу марра қўлга киритилади.

Ишлаб чиқариш илғорлари Фарғона областидаги ҳамма меҳнаткашларга мурожаат этиб, энг юқори техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришиш учун мусобақани авж олдиришга даъват қилдилар.

[ЎзТАГ мухбири].

МУРАББИЙЛИК — ЁШ АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК

МАҲОРАТ ЧЎҚҚИЛАРИГА

Ҳамма соҳада қилинаётган сарҳисоблар деярли поёнга етди. Улар ғоятда мароқли ва қувончли. Йил якунланди, аммо ташаббуслар, янгиликлар булоғи кун сайин авж олгандан авж олиб боравётир.

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинатининг илғор ип йигирувчиси Любовь Сергеевна Герасимова яна бир янги ташаббусни бошлаб юборди. У Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб ўнинчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берган эди.

Бундай фидокор, илғор кишилар комбинат қучоғида озмунча эмас. Улар самарадорлик ва сифат йўлидан бориб, ўзларининг ибратли ишлари билан коллективни олға томон интилишга баралла даъват этмоқдалар. Чунончи, комбинатнинг ажойиб тўқувчиси А. С. Верзилина, В. И. Солдатова, Н. В. Ершовалар, мастер ёрдамчиси А. Н. Лобзинлар бир йилда икки йиллик топшириқни адо этганликлари тўғрисида галаба рапортига имзо чекдилар. Бундай ажойиб ютуқларга улар нормадан ташқари қўплаб дастҳоларни бошқариш, шунингдек меҳнатда унумдорликка эришиш йўлида алоҳида собитқадамлик кўрсатаётганликлари туфайли эришмоқдалар.

Ишлаб чиқаришнинг бу ажойиб пешқадамларининг бошқа бир ибратли ишлари тағин ҳам мароқлидир. Айниқса фидокор ишчиларнинг ёшлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилаётганликлари яна ҳам қувончлидир. Улар қанчадан-қанча шогирдларни тарбиялаб, илғор тўқувчилар ва йигирувчилар сафига қўшаётганликлари чинакам ибратли. Шунинг учун ҳам кўплаб ёш ишчилар илғорлар сафини тўлдириб, ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сазовор бўлдилар.

— Биз меҳрибон мураббийларимизнан чексиз миннатдормиз. — дейди комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари Валентина Прокопенко, — нега десангиз, улар ўзларининг қимматли вақтларини аямасдан бизлар тўғримизда жон куйдиришади, билмаганимизни билдириб, етук тўқувчи бўлишимиз учун қўлларидан келган ҳамма ишни бажаришади. Шундай бўлгандан кейин улардан миннатдор бўлмаслик мумкинми, ахир. Мураббийларимиз қилган меҳрибонликлар бутун умримиз бўйи эсдан чиқмайди.

Дарҳақиқат, комбинатнинг илғор ишчилари ёшлар тўғрисида алоҳида қайғурмоқдалар. Любовь Сергеевнанинг шогирди Валентина Прокопенконинг сўзлари бунинг ёркин далилидир. Валентина бошлиқ бригаданинг ҳамма аъзолари ҳозирги кунда донгдор йигирувчиларнинг илғорлик мактаби сабоқларини сидқидилдан ўрганмоқдалар. Чунончи, бригада аъзолари нормани 150-160 процентга етказиб бажаришга эришмоқдалар.

Масалан машҳур тўқувчи А. С. Верзилинанинг шогирдлари ҳам ўз меҳнат ютуқлари билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Чунончи, А. Молодова ва С. Фасхуддиновалар 24 та дастгоҳ ўрнига 33 тадан дастгоҳни бошқаришга ўтиб, бошқа шогирдларга яхши намуна бўлаётирлар. Ёш тўқувчилар ҳозирги кунда шу йилнинг июнь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Ёш ишчилар тўғрисида гамхўрлик қилиш бутун коллективнинг жонажон ишига айланиб кетганлиги кўзга яқол ташланади. Шунинг учун ҳам комбинатнинг 628 илғор ишчиси айни вақтда 750 та яқин ёш ишчини ўз бағрига олиб, уларга йигирувчилик ва тўқувчилик маҳоратини қунт билан ўргатмоқдалар. Эндиликда уларнинг кўпчилиги мустақил равишда кўплаб дастгоҳларни аъло даражада бошқармоқдалар. Ҳозир бу мактаб тажрибасидан ўтган ва илғор тўқувчилар сафини тўлдирган 1118 киши кўплаб дастгоҳларни бошқаришга кўчишган. Уларнинг деярли ярми декабрь ойигача йиллик топшириқларини бажариб қўйишган.

Комбинатда мураббийлик ҳаракати ва ёшларга тўқувчилик касбини мукаммал ўргатиш тадбирлари бундан бўён ҳам кенг авж олдирилаверади, — дейишади корхона партия комитетида, — чунки бу илғор ташаббус туфайли ишлаб чиқаришда юксак самарадорлик ва сифат кўрсаткичларига эришилмоқда.

Чиндан ҳам бу улкан корхонада кейинги ўн йилларда буён давом этиб келаётган ва тобора кенг авж олиб бораётган мураббийлик ҳаракати ўзининг ажойиб самарасини бермоқда. Қанчадан-қанча ёшлар маҳорат чўққиларини эгаллаб, халқ хўжалиги топшириқларини муддатидан илгари бажаришга эришмоқдалар.

Я. ТУХТАЕВ.

Совет мамлакатида

МОГИЛЕВ. Бугунги кунгача мамлакатимизда йил бошидан буён миллион тонна химиявий тола ишлаб чиқарилди. Могилевдаги «Химволокно» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юбилей маҳсулотини ишлаб чиқариш фахрий ҳуқуқига сазовор бўлди. Бу коллектив мамлакатдаги барча қишлоқларга мурожаат қилиб, уларни ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, ишлаб чиқарилаётган тола сифатини ошириш учун мусобақани янада кенг авж олдиришга даъват этди.

КУСТАНАЙ. Областдаги колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари донли экинлар уруғини тозалашни ўтган йилнинг қиш мавсумидагига нисбатан анча илгари тамомладилар. Бугдой, арпа, сули уруғлиги бегона аралашмаларден ва майда пуч дондан тозаланди. Бутун майдонга экиш учун буғдойнинг нуқул қимматли, кучли ва каттик навлари ғамлаб қўйилди.

МОСКВА. Ленин комсомоли номли автомобиль заводида автомобиль арматурасини ишлаб чиқарадиган қурилма маҳсулот бера бошлади. Босим кучи 250 тоннага борадиган пресс қурилманинг асосини ташкил этади. Агрегатни Москва ва Воронеж мутахассислари ишлаб чиққан. Унинг механизми универсал бўлиб, автомат режимда ишлаши ҳам мумкин, қурилма бир сменада 50 мингдан кўпроқ буюм ишлаб чиқариш қувватига эга.

ШАҲРИТУЗ (Тожикистон ССР). Қуйи Кофирниҳон суғориш системасининг бошқармаси «Вахшводстрой» трестининг гидроқурувчиларидан қишлоқ хўжалигига яроқли 400 гектар ер қабул қилиб олди. «Айвож» ва «СССР 50 йиллиги» колхозлари тез оқадиган Кофирниҳон дарёси соҳилларида ўзлаштирилган бу ерларга чигит, шоли ва озуқабоп экинлар экадилар. Тожик гидроқурувчилари Вахш, Сирдарё, Зарафшон одоғидаги «партов» ерларни ўзлаштирмоқдалар.

ВЛАДИВОСТОК. Юзлаб шаҳарликлар 1977 йилни янги квартираларда кутиб олмоқдалар. СССР Фанлар академияси Узоқ Шарқ илмий марказининг ходимлари 12 қаватли уй-жой биносига кўчиб кирдилар. Ҳозир шаҳарда катта уй-жой қурилиши олиб борилмоқда. Владивосток меҳнаткашлари беш йилликнинг биринчи йилидагина саҳни 280 минг квадрат метр келадиган уй-жойларга эга бўлдилар.

ЛОУХИ (Карелия АССР). Плозеро ўрмон-саноат хўжалигида Р. Яцков бошлиқ йиқиклаштирилган бригада шарафига меҳнат—шуҳрати байроғи кўтарилди. Бу бригада ўз эммасига олган йиллик мажбуриятдаги асосий моддани бажарди: юз минг куб метр ёғоч тайёрланди. Автоном республикадаги бошқа корхоналарда ҳам новаторларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлашди. Ҳозир Карелияда йиқиклаштирилган бешта ёғоч тайёрлаш бригадаси ана шу маррага эришишни мўлжаллаб қўйди.

ТИРАСПОЛЬ (Молдавия ССР). «Молплодоовощпром»ни ишлаб чиқариш — аграр бирлашмасида болаларга мўлжалланган консервалар ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди. Янги қувватлар ҳар йили 16 миллион банка маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Бу қувватлар кичкинтойлар учун ҳар хил шарбатлар, пюрелар ишлаб чиқаришни икки баравар кўлайтириш ва уларнинг турини анча кенгайтириш имконини беради.

ОЛМАОТА. Қозоғистон омихта ем саноати корхоналари йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариб, бугун икки миллионинчи тонна омихта ем ишлаб чиқарди. Утган йилдагига нисбатан 250 минг тонна омихта ем кўп ишлаб чиқарилди. Бунга меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш имконини берувчи янги ташкилий техникавий тадбирларни жорий қилиш туфайли эришилди.

(ТАСС).

РАПҚОН ЛОЧИНИ

ЛАВҲА

Катта йўл. Икки қирғоқ шохларига бўлдуруқ қўнган тизма дарахт. Уфққа туташган пайкаллар юзини қоплаган оппоқ қор жилоланади. Изгирин шабада юз кўзларга урилиб чимчилаб ўтади. Ҳа, қиш қишлигини қиляпти. Далаларда оппоқ қор!

Йўл четида ўрта бўйли, сариғ мағиз юзли навқирон йигит шахдам одим отиб боряпти. Бошида оҳори тўкилмаган телпак, эгнида қора сатин тўн, белида шоҳи белбоғ. У шохлари тарвақайлаб кетган азим тол рўпарасига келганда ўнг томонга бурилди-да, кирза этиги билан ғарч-ғурч қор босиб, дала шийпони томон бурилди. Бу Рапқон лочини номи билан машҳур Ҳакимжон Хўжамуродов эди.

Дала шийпони. Оромгоҳ даргоҳ. Бободеҳқон — уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул ота Турсунқулов дорилфунун маскан деб атаган дала шийпонини. Дарҳақиқат, далага тракторлар чиқарилиб, ерга уруғ қадалишидан тортиб, пахтанинг сўнгги мисқоли йиғиб-териб олингунча кимлар келиб кетмайди-ю, кимлар истиқомат қилмайди бу жойда?! Деҳқон шу жойда пахта меҳри билан сеҳрланади, тиниқ фикрлар туғилиб, янги орзулар уйғонади унда. Бир йиллик меҳнатнинг дастлабки якуни шу ерда чўтга солиниб, хомаки ҳисоб-китоб қилинади, янги режалар тузилиб, юксак чўққилар нишонга олинади.

Ана шундай шийпонлардан бири, иссиққина хона. Деворга плакатлар, схема-диаграммалар осиғлиқ. Қизил бурчакда газета-журналлар тахлоғлиқ. Радиоприёмникдан ёқимли куй таралади. Шийпон ихчамгина тўйхонага ўхшайди. Биз Ҳакимжон билан баҳор фаслида шу масканда учрашгандик.

...Чигит экиб бўлинди. Ер оби-тобидалигиданми ё уруғ сиртига сув юқтирмайдиган ҳолатга келтирилганданми, тезда қаторларда мурғак ниҳолчалар пайдо бўлиб чинбарг чиқарди. Майин тупроқ ниҳоллар илдизини пастга тортса, қуёш қулоғидан кўкка чўзди. Еруғлик йўл кўрсатиб турди. Деҳқонларнинг ана шу даллардаги қувончини сўз билан ифодалаш қийин эди.

— Ниҳоллар эртаси — ҳосил серкаси, — дерди улар яшил далаларга суқланиб боқиб. — Омадли йил келди, кўрасиз, кузакда хирмонга сиғмайди пахта.

Йил омадли келгани тарози қурилиб, паллага тош қўйилганда маълум бўлди. Аммо унгача-чи?

Қўқон шамоли қувлаб келган палахса-палахса қора бўлутлар еру-кўкка, ўт ўчириш командаси насосидай сув пуркади, сўнггида, Рапқон ёнғоғидай муз отди. Икки кеча-ю, икки кундуз шахдига олган жала-дўл мурғак ғўзаларни ер билан яксон қилиб, пайкалларни суви булиқсаган кўлга айлантириш билан тинди. Одамлар эзуладта зиё ислаган сайёҳдай изтиробга тушди.

Бахтсиз ходиса одамни ўйлатади, ҳаяжонга солади, ҳатто йиғлатади. Айни кезда унинг таъсирида инсонда шундай бир ғайри-табиий куч пайдо бўладики, бу куч билан ернинг михи — тоғни суғириб олишга қодирдек сезади ўзини.

Ҳакимжонда ҳам шундай куч пайдо бўлди. Одатда, кишилар рақбарга қараб қадам ташлайди, ундан ибрат олиб иш бошлайди. Одамлар табиий офат билан курашда бригадирга қанот бўлди.

— Суронли кунлар эди, — эслайди Ҳакимжон ўша дамларни, — бир ҳафта тизза бўйи сув кечиб табиий офат билан юзма-юз олишдик. Гидрогеологлар ерни пармалаб сув чиқарса, биз чуқур қудуқлар қазиб ер сатҳидан кўтарилган ёмғир сувини қатлам қаърига оқиздик...

Ҳакимжон оғир хўрсиниб қўйди. Биз бундан «у ёғи ҳолва эди, гапнинг бу ёғини эштинг» деган маъно англадик. Суҳбатдошимизнинг ҳар бир сўзидан очиқ майдонда юз бериши мумкин бўлган қийинчиликларни кўз олдимизга келтирдик. Ҳар бир сўз замирида пахта ишқидаги деҳқон меҳнати, техника қудрати, ўғитлар мўъжизаси, қоламерса, шиддатли кураш ётарди. Пахтазорлар чинакам жанг майдонига айланган эди.

— Ғўзанинг тили йўқ холос, — сўзини давом эттирди Ҳакимжон, — лекин имо-ишора билан дардини айтиб даво сўрайди. Пайкал кезган деҳқон буни сезади. Бир куни тонг саҳарда ҳов анови пайкалга кирдим, — кўрсаткич бармоғи билан тутзор кетига беркинган пайкалга ишора қилди у, — ғўзалар шода-шода ҳосил туккану, юкини кўтаришга чанқовдан дармони қуриб ҳарсиллаб турибди. Бунинг устига, эрталабданоқ қуёш олов пуркай бошлади. Сув эса танқис эди. Нималар қилмадик ўшанда. Кам сувни эгат оралатиб тарадик, намни сақлаш учун культиваторларда ерни элак-элак қилдик, қатор ораларига чиритилган гўнгни қўй қийига аралаштириб солдик.

Якун шу бўлди: бир литр сувдан икки-уч литр сувнинг нафини кўрдик...

Юк нечоғли оғир бўлса, қадам шунча тез ташланади. Катта қийинчиликка бақувват чора изланади. Машаққат билан эришилган ғалаба наши-далги бўлади. Муҳими — одам кураш жараёнида ҳам, ютуклар оғушида ҳам оташ ўтида тобланади, тажриба орттиради, баркамол жангчи бўлиб етишади.

Ҳакимжон ўйчан кўзларини бир нуқтага қадаб, юз берган ғалдаги машаққатлар, унинг даф этилиши ҳақида гап қотди.

— Ари узум шарбатини қатрасигача сўриб, пўстлоғини қолдиради. Кўсак қурти ундан ҳам ёмон. Кўз юмиб очгунча тўқ кўсакни ғовчоқ қилиб ташлайди. Пахта пишиб турганда пайкалларни қурт босиб, кўсакларни пучёнгоққа айлантира бошлади. «Ҳосил хавф остида қолди!» деган шиор ташладик. Аъзоларимиз, айниқса мутахассисларимизга раҳмат, улар бамисоли кўз нури билан кўсакларни ёритиб, киприклари билан қуртларни санчиб олишди. Охири пахтазорларни химикатлар билан дудладик. Шундагина қирон келди кўсак қуртига.

Ҳулоса шуки, пахтага чин дўст деҳқон-у олим, зараркунандалар унга золим. Ўтган йилги ҳосилни золим ҳамласидан сақлаб қолган олтин қўлли деҳқон-у сеҳргар олим бўлди.

Пўлат ўтда, одам меҳнатда синалади. Синовдан муваффақиятли ўтиш пахтакор деҳқон учун айниқса катта бахт. Негаки, у мурғак ғўзани икки юз эллик-икки юз олтмиш кун ардоқлаб дастлабки синовдан ўтади. Ҳақиқий синов белларга этаклар боғланиб, олтин қўллар чаноқларга урилганда, машиналар пайкалларга киритилиб, мисқоллар бункерларга уюлганда бошланади. Ҳамма ва ҳар бир пахтакорга тарози палласига қўйилган пахтанинг миқдори ва сифатига, шайнинг ўйнашига қараб баҳо берилади.

— Ўтган йили синовдан муваффақиятли ўтдик, — сўзини якунлади Ҳакимжон, — ўттиз беш деган эдик, салкам қирқ бўлди.

Азамат пахтакорлар табиатнинг қийинчиликларини енгиб, салкам қирқ центнерлик ҳосил марраси эгаллади. Бу ҳосил тизза бўйи шўр, сизот сув билчиллаб ётган ерда ундирилганини айтиб ўтиш жоиздир.

Ҳакимжон бригадани синовдан муваффақиятли олиб ўтган Тўйчи Умрзоқов, Суюндик Тошматов, Ҳайринисо Туропова, Ҳамида Мирзаалиева, Робинисо Қўчқорова каби жонкуярларнинг бунёдкорлик меҳнати ҳақида тўлқинланиб гапиради-ю, ўзи ҳақида ломмим демади. Бу — коммунист раҳбарга хос камтарлик эди.

Рапқон — Киров районининг кун сайин ободонлашиб, чароғонлашиб бораётган маркази. Ҳешаматли жамоат ва уй-жой бинолари, қўша-қўша мактаблар, кино-театрлар, магазинлар, медицина, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш муассасалари кўзларга нур, дилларга шуур бахш этади. Рапқон қадимдан серҳосил ёнғоқзорлари, ўрикзорлари, токзорлари билан машҳур. Эндиликда боғ-роғлар янада кенгайтирилиб, ҳосилдорлиги оширилляпти.

«Октябрь 40 йиллиги» совхози Рапқоннинг бикинига жойлашган. Машҳур пахтакор, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Ҳакимжон Хўжамуродов шу совхозда комплекс механизациялашган пахтачилик бригадасига бошчилик қилади.

Дала шийпонида бригада коллективи билан ўтган хўжалик йилининг якунларини таҳлил қилдик. Тайёрлов пунктига 247 тонна «оқ олтин» жўнатилди. Унинг 90 проценти биринчи сорт. Пахтани асосан саранжом-сариштаб берган «зангори кема»лар бўлди. Шу боисдан ҳар центнерининг таннархи 3 сўм 10 тийин камайди, даромад эса 125 минг сўмга кўтарилди. Бригадирнинг ўзи машинада 150 тоннага яқин дурдона терди.

Бригада аъзоларини ғалаба билан муборакбод этиб, Рапқонга қайтдик. Район партия комитетининг биринчи секретари, республика Олий Совети депутати Усмонжон Бегматов билан учрашиб, дала шийпонидаги суҳбат таассуротларини сўзлаб бердик. Шунда у:

— Янги йилда бригада аъзоларининг муваффақиятлари квадратига кўпайсин-у, қийинчиликлари такрорланмасин, — деди.

Бир киши тимсолида минглар шаънига айтилган бу фикрга биз ҳам қўшилдик.

Маъруф НАЗАРОВ,
Фарғона область Киров райони.

ДАРЁ БУНЁД ЭТИЛДИ

Янги йил арафасида Шеробод магистрал каналининг ўнг тармоғи қурилиши тугалланганлиги ҳақидаги актга имзо чекилди. 61,5 километр узунликдаги қўйлоба дарё секундига 80 кубометр сув элтади. Бу — Сурхон водийсида кейинги йилларда бунёд этилган энг йирик суғориш тармоғидир. Дарё ўзанига бошдан-оёқ бетон қопланган.

Янги сув тармоғи Шеробод чўлидаги 50 минг гектардан зиёд ерни суғоради. Бу ерларда ўнта йирик хўжалик, шу жумладан пахтачилик, бўрдоқичилик совхозлари ҳамда Р. Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг экспериментал хўжалиги ташкил этилган. Ҳозир бу ерда шу беш йилликда ишлай бошлайдиган бир қанча пахтакор совхозлар қурилмоқда.

(ЎзТАГ).

МЕЛИОРАЦИЯ-77: ПЛАНЛАР, ЙЎНАЛИШЛАР

Ўзбекистон мелиораторлари ўзларининг 1977 йилги планларида қўриқ ерларни комплекс ўзлаштириш соҳасида Мирзачўлнинг тажрибасини кенг оммалаштиришни кўзда тутадилар. Колхоз ва совхозлар янги ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаш билан бир маҳалда йўллари, алоқа иншоотлари, ишлаб чиқариш иншоотлари бўлган обод посёлкаларни ҳам оладилар. Республика Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигида ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларига қараганда, бу йил Қорақалпоғистондаги Шайхмон, Қумжиқетқ, Хўжақўл массивларидаги катта майдонларда. Бухоро областининг территориясидаги Конимех даштида, Қурама ва Чотқол тоғларининг этакларидаги адир ерларда катта майдонларда ана шундай ишларни амалга ошириш мўлжалланади.

Мелиораторлар колхозлар ва совхозлардаги эски суғориш системаларини тубдан қайта қуришга киришадилар. Маълумки, эски зонадаги хўжаликларда кўпгина каналлар ва коллекторлар лойиҳасиз қурилган. Уларнинг ўзанлари эгри-бугри бўлиб, соҳилларини сув ювиб кетган. Деҳқонлар ана шундай суғориш шохобчалари ўрнига тўғри чиқарилган ва бетон ётқизилган каналларга эга бўладилар, бу каналларнинг бир қисми пишиқ шлангларни улаш учун гидрантлар чиқарилган ҳолда ер остидан ўтади.

Мелиораторлар колхоз ва совхозларга тегишли каналлар, коллекторлар ва гидроиншоотларга техникавий хизмат кўрсатиш учун йил бошидан буюртма қабул қила бошлайдилар. Эндиликда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бўлинмалари уларнинг яхши ишлашини таъминлашни ўз зиммаларига оладилар.

Серсув манбалардаги сувни камсув манбаларга оқизиш учун насос станцияларини қуриш, сув омборларини барпо этиш, каналларни бетонлаштириш, қудуқларни қазиш давом эттирилади. Жумладан, Отчопар қўйлоба денгизи, Андижондаги «Баҳт» ва 2-Обиҳаёт насос станциялари, Сирдарёдаги Ҳожимушкент селхонасини қуриш, Хоразм областидаги «Хитойяб» каналини қайта қуриш поёнига етказилади. Гидромеханизаторлар янги дренаж қазийдиган ва зовурларни созлайдиган юқори унумли машиналарни оладилар.

«ОРБИТА»НИНГ УЧ КАНАЛЛИ СИСТЕМАСИ ИШГА ТУШДИ

Марказий телевидение янги, 1977 йил арафасида «Орбита» программасини қабул қилаётган районлар учун янги система бўйича эшиттиришларни бера бошлади. Бир программа ўрнига уч программа ишга туширилди. Бу программаларнинг ҳар бири уч соатлик минтақада жойлашган территорияни қамраб олади.

Программалар Марказий телевидениенинг биринчи программасига мувофиқ тузилади. Эшиттириш ҳар бир зонанинг ўртача соатлик минтақаси ҳисобида маҳаллий вақт билан соат 9 да бошланиб, соат 23 дан кейин тугалланади.

«Орбита» уч канали бўйича олиб бориладиган эшиттиришнинг янги системаси мамлакатнинг ғоят хилма-хил ва олис районлари аҳолисига Марказий телевидениенинг биринчи программаси кўрсатувларини тўла ҳажмда ва қулай пайтда кўриш имконини беради.

(ТАСС).

«1939—1945 ЙИЛЛАРДАГИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ТАРИХИ»НИНГ ЕТТИНЧИ ТОМИ НАШР ЭТИЛДИ

«1939—1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши тарихи»нинг еттинчи томи нашр этилди. Бу томни СССР Мудофаа министрлиги ҳарбий тарих институти КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти, СССР Фанлар академиясининг умумий тарих ва СССР тарихи институтлари билан биргаликда тайёрлаган. Еттинчи том иккинчи жаҳон уруши давомида туб бурилишнинг тугалланиши билан боғланган воқеаларга бағишланган. Бу томда иккинчи жаҳон урушидаги энг катта жангларнинг бири — Курск дуғасидаги жанг, Совет Армиясининг 1943 йил куз фаслидаги умумий стратегик ҳужуми, Кавказ учун олиб борилган жангларнинг ғолибона тугалланиши, совет қўшинларининг жуда катта тўсиқ — Днепр дарёсидан кечиб ўтиши ёритилади, бу воқеалар иккинчи жаҳон урушининг бутун бориши учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканлиги очиқ кўрсатиб берилади, шунингдек Англия ва АҚШ қуролли кучларининг Италия, Атлантика ва Тинч океандаги уруш ҳаракатлари тасвирланади.

Томда ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг қаҳрамонона меҳнати, совет ҳарбий экономикасининг муваффақиятлари кўрсатиб берилади. Совет ҳарбий экономикасининг ривожланиши Қуролли кучларимизнинг фашист вермахтига нисбатан ҳарбий техникавий жиҳатдан устун бўлишини таъминлади.

Бу асарда СССР ва чет мамлакатлар архивларининг ҳужжатларидан ва янги ҳужжатли манбалардан кенг фойдаланилган. СССР Мудофаа министрлигининг ҳарбий нашриёти бу асарни чоп этди.

Чили халқининг мард фарзанди Советлар диёрида. Суратда: Луис Корвалан рафиқаси билан Москванинг Внуково аэропортида.

А. Абаза фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

Ўртоқ Луис КОРВАЛАНга

Озодлик аталмиш буюк бахт билан
Биз Сизни қутлаймиз, ўртоқ Корвалан!
Сиз букун озодсиз.
Аммо дилингиз
Ёнмоқда, ёнмоқда буюк дард билан.
Ватану халқингиз озодмас букун,
Кифтида ортмоқлаб зулумот юкин,
Фидойи мардпардан кутмоқда ёрдам.
Фидойи мардпларнинг сафи бошида
Аввало ўзингиз турибсиз бардам.
Фидойи саф бутун.
Демак, зафар ёр.
Демакки, Ватану халқингиз яна
Фашистлар ғаласин этиб тору мор,
Бўлур бахтиёр.
Сиз билан ҳамнафас яшадик биз ҳам,
Биз Сизни кузатдик уч йилу уч ой,
Бизнинг ҳам дардимиз эди дардингиз.
Дўст учун курашдик уч йилу уч ой.
Зиндонда туриб ҳам курашардингиз.
Жанг-жадал, курашлар кетмади бенаф,
Кучимиз борича асаб,
Вақт тежаб,
Ниҳоят биз енгдик.
Бир тўсиқ бўлиб тору мор,
Совет тупроғида кўришдик дийдор.
Яна қайлардадир умидли дунё
Етимлар кўзига бўлди тору танг.
Етимлар қаётга боқаркан кўз ёши аро,
Бизларга чароғон кўриниган дунё

Улар назарида ғоятда хира,
Ғоятда туманли
Ва мотамсаро.
Етимлар кўпаймас,
Кўпаймас ортиқ.
Есирлар кўпаймас,
Кўпаймас ортиқ,
Олдини олармиз бу ҳолнинг,
Жиловлаб қўярмиз урушқоқларни.
Етимлик азобин бевақт, бемаврид
Тортмасин, тотмасин бирорта гўдак,
Есирлик азобин бевақт, бемаврид
Тортмасин, тортмасин бирорта хотин.
Етимлик дардидан бўлолсин ҳоли
Чили ва араб.
Етимлик дардидан бўлолсин ҳоли
Лиссабон, Мадрид.
Ҳа, шундоқ,
Шундоқ бўлғуси.
Яшариб, ўзгарур умидли дунёмиз туси.
Ушанда қайтадан бир-биримизни
Чинакам қутлармиз, ўртоқ Корвалан.
Уша кун яқинроқ кўринмоқдадир.
Ҳозирги ғалаба... бу—ҳамир учидан
патир,

Серлаззат патир —
Озодлик аталмиш буюк бахт билан
Биз Сизни қутлаймиз, ўртоқ Корвалан!

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

ИЛҲОМБАХШ МАҚСАДЛАР

Турли мамлакатларнинг таниқли давлат ва жамоат арбоблари, матбуот Л. И. Брежневнинг Америка сиёсий обзорчиси Ж. Кингсбери-Смит саволларига берган жавобларини зўр мамнуният билан қутиб олдилар ва бу жавоблар ғоят муҳим ва актуал аҳамиятга молик эканлигини таъкидламоқдалар.

АҚШнинг янги сайланган президенти Ж. Картер матбуот конференциясида бундай деди: КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг айтган гаплари келгуси йилда Л. И. Брежнев билан учрашиш борасидаги истакларимга мос бўлиб туюлади.

Янги чақириқ АҚШ вакиллар палатасидаги демократик кўпчиликнинг раҳбари Ж. Райт ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари янги йил муносабати билан изҳор қилган самимий истаклари учун Америка халқи миннатдордир. Мен АҚШ конгресси номидан янги йилда совет кишиларига энг яхши тилакларимизни изҳор қилишни истайман. Совет кишилари янги йилда Совет давлатининг 60 йиллиги байрамини ўтказадилар.

Райт сўзини давом эттириб, бундай деди: Америка халқи келгуси йилда тинчликни барпо этиш манфаатларини кўзлаб совет халқи билан ҳамкорлик қилиш йўлидаги ҳар бир имкониятни табриклашига ишонаман. Бизнинг мамлакатларимиз бутун куч-ғайратларини шу мақсад йўлида сарфлаб, бутун ер курраси аҳолисига тинчликни таъминлашлари ва ҳар бир пахтакорга тарозининг палласига қўйилган пахтанинг миқдори ва сифатига, шайнинг ўйнашига қараб баҳо берилади.

Совет халқи каби Америка халқи ҳам бу проблеманинг тез орада ҳал этилишини истайди.

Америкадаги савдо-саноат доираларининг кўп вакиллари Л. И. Брежневнинг жавобларини маъқуллаётган ҳолда, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланувчи АҚШ савдо палатасининг директори Э. Вильсон бундай деди: Картер бошлиқ ҳукумат мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларда, шу жумладан экономика соҳасида янги ташаббус кўрсатади, деб умид қиламиз. Мен шу нуқтаи назардан икки давлат раҳбарларининг олий даражада учрашуви СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун жуда фойдали бўлур эди, деб ҳисоблайман. Биз СССР билан АҚШ ўртасида узоқ вақтга мўлжаллаган ҳар икки мамлакатларимизнинг экономикасигина эмас, бутун жаҳон иқтисодий системасига ҳам яхши таъсир ўтказади, деб ҳамма ҳисоблаб келдик.

Леонид Брежнев, деб ёзади Американинг «Балтимор сан» газетаси, кескинликнинг юмшатилишига астойдил тарафдор эканлигини тасдиқлади. Москва кескинликни юмшатиш ва хусусан стратегик қуроллароғларни чеклаш тўғрисида янги Совет—Америка битимини тузиш соҳасида олга қараб қадам қўйилишини истайди.

Л. И. Брежнев, деб таъкидлайди Калифорниянинг «Сан-Франциско экзаминер» газетаси, совет кишилари тинчликка ва Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатларни янада яхшилашга астойдил интилаётганликларини яна бир марта уқтириб ўтди. Газета КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг жавоблари Америка халқига нисбатан самимий ва дўстона руҳда эканлигини қайд қилади.

Болгариянинг «Работническо дело» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Л. И. Брежнев жавоблари марксча-ленинча чуқур ёндашишни, тинчликсевар совет ташқи сиёсатининг кенг миқёсларини ҳамда ташаббус кўрсатиш сиёсати эканлигини ифодалади. Бу жавоблар келгуси йилда Совет—Америка муносабатларини ижобий тарзда ривожлантиришнинг бирдан-бир мумкин бўлган йўлинигина кўрсатиш билан чекланмай, балки 1977 йилда жаҳонда барча тинчликсевар кучлар учун илҳомбахш программавий мақсадларни ҳам ўртага қўяди».

Янги йил арафасида, деб таъкидлайди Польшанинг «Трибуна люду» газетаси, СССР билан АҚШ ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун жуда муҳим ва ғоят керакли омил пайдо бўлди.

Чехословакиянинг «Руде право» газетаси ёзади: Ўртоқ Л. И. Брежнев ҳар қачонгидек бу сафар ҳам Совет Иттифоқининг позициясини аниқ ва равшан ифодалаб берди. У Совет Иттифоқи нималарга интилаётганлигини Америка журналистига жуда равшан қилиб айтди. Совет Иттифоқи конструктив амалий музокаралар олиб боришга, Совет — Америка муносабатларини янада яхшилашга, 1977 йил қуролланиш пойгасини тўхтатиш соҳасида чинакам бурилиш ясаладиган йил бўлиб қолишига интилмоқда.

Венгриянинг «Непсабадшаг» газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: Л. И. Брежневнинг янги йил арафасида берган жавоблари бундан 60 йил муқаддам сулҳ тўғрисидаги биринчи декрет билан вужудга келган ва етмишинчи йилларда эълон қилинган тарихий Тинчлик программасининг кўп моддаларини амалга ошириш сиёсатининг изчил сиёсат эканлигини акс эттиради. Л. И. Брежнев бизнинг умидимиз ва ишончимизни мустаҳкамлади: 1977 йил тинчлик йили бўлиб қолади.

(ТАСС).

ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИКЛАРИ

ВАРШАВА. ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек ўзининг янги йил нутқида Польшанинг барча дўстларига ва иттифоқчиларига самимий қутловлар топшириб, совет халқига, бутун социалистик ҳамдўстлик халқларига бахт-саодат ва муваффақиятлар тилади.

У тугаб бораётган йилда тинч ҳамкорликка ва яхши қўшничиликка бўлган тенденция мустаҳкамланди, ялпи тинчликнинг бош таянчи бўлмиш Совет Иттифоқининг қудрати ўсди, деди. ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари 1976 йил поляк халқининг янгидан-янги зафарларга эришган йили бўлди, деди.

• • •

БЕЛГРАД. ЮСФР Президенти И. Броз Титонинг янги йил мактубида бундай дейилади: ўтган йил ўз-ўзини бошқарадиган социалистик жамиятни ривожлантириш, Югославиянинг халқаро ҳаволини мустаҳкамлаш учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Буларнинг ҳаммасига, аввало, коммунистларнинг роли ўсганлиги, уларнинг ғоявий-сиёсий бирлиги янада мустаҳкамланганлиги туфайли эришилди.

И. Броз Тито келгуси йили хўжалик фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг, мамлакатдаги барча органлар ва ташкилотлар ишини такомиллаштиришнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

• • •

УЛАН-БАТОР. МХРП Марказий Комитети, МХР Буюк Халқ Хурали президиуми ва Министрлар Советининг монгол халқига янги йил табрикномасида бундай дейилади: монгол халқи МХРП XVII съезди қарорларини амалга ошира бориб, янги, 1977 йилни социализм қурилишида катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Партиянинг МХРнинг социалистик ҳамдўстлиги доирасидаги қардош мамлакатлар билан, аввало Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама яқинлашишдан иборат изчил йўли мамлакатни муваффақиятли ривожлантиришнинг ишончли гаровидир.

(ТАСС).

«ҲАМКОРЛИГИМИЗНИНГ ИСТИҚБОЛИ ЯХШИ»

Совет ва француз олимлари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилганлигига кўп вақт бўлди. Улар ҳозирги замон фанининг кўпгина актуал масалаларини ҳал этишда ҳамкорлик қилмоқдалар. «Новости» матбуот агентлиги мухбири СССРда меҳмон бўлган таниқли француз географи, Сорбонна университети профессори Андрэ Кайеданшу ҳақда ҳикоя қилиб беришни сўради.

◆ ◆

Ҳозирги вақтда география фани олдида турган мураккаб вазифаларни турли мамлакат олимларининг куч-ғайратини бирлаштириш йўли билан муваффақиятли ҳал этиш мумкин. Совет ва француз географлари ижодий ҳамкорликда катта тажрибага эга. Москва университети профессори Константин Марков билан биринчи ишларимизни айирбошлаганимизга 30 йил тўлди.

1958 йилда мени Совет Иттифоқига, Москва Давлат университетида, Ленинград ва Ростов-Дондаги олий ўқув юртларида лекциялар ўқишга таклиф этишган эди. Ушанда фақат французча гаплаша олар эдим. Сафар чоғида тўрт ойни рус тилини ўрганишга бағишладим. Эндиликда бу тилда бир оз гапираман, китобларни эса бемалол ўқийман.

Мен 1970 йилда Совет Иттифоқининг Узоқ Шимолида бўлдим. Ушанда Ёқутистонда абадий музлик тадқиқотига бағишланган конгресс бўлган эди. Энг сўнгги техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус ер ости лабораторияларини кўришга муяссар бўлдим. Улардан бири жаҳондаги энг қадимги лаборатория бўлиб, 1880 йилдан буён ишлаб келаётганлиги мени ҳайратга солди.

Ёқутистоннинг чорвачилиги ва айниқса, қишлоқ хўжалиги эътиборимни ўзига тортди. Улар Америка қитъасининг мен бориб кўрган шимолидагига қараганда яхши ривожланган. Совет шимолининг шаҳарларини ҳақли равишда маданият ва саноат марказлари деб аташ мумкин.

Мен фақат Шимолдагина эмас, балки Лена дарёсининг ҳавзасидаги Алданда, Новосибирск, Тошкент шаҳарларида бўлдим. Ана шу сафарлар мобайнида совет ҳамкасбларим билан мароқли алоқалар ўрнатилди. Шуни айтиш керакки, француз ва совет олимлари ўртасида ҳақиқий ижодий дўстлик муносабатлари ўрнатилган. Биз тадқиқот материаллари, мақолалар, фотография ва суратларни айирбош қилиб турамиз. Монголия чўллари бўйлаб яқинда совет—француз экспедицияси ўтказилган эди. Сафар кузатувлари қўшма нашримизда ўз ифодасини топди.

Узоқ алоқаларимизни янада ривожлантириш истаги асос қилиб олинган Франция-Совет ҳамкорлигининг истиқболи яхши. Бунда Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ўтказилган кенгашнинг катта хизмати бор.

Ҳар сафар Москвада бўлган чоғимда ўзимни ўз уйимдагидек ҳис этаман. Менимча, пойтахт муҳитининг ўзи дўстлик ва ҳамкорлик руҳи билан суғорилган. Москва жаҳондаги энг ямяшил пойтахт бўлса керак. Ҳар сафар келганимда албатта, В. И. Ленин Марказий музейига кираман. Бунинг боиси бор. Маълумки, Ленин Парижда яшаганида, у Мари-Роз кўчасидаги квартирани ижарага олган. Менинг бувим ва бобом ҳам ўша уйда яшашган. Улар ўзларининг қўшнилари Владимир Ильич ва Надежда Константиновнани яхши билишар, унинг номини меҳр-муҳаббат билан эсга олишар ва менга улар ҳақида кўп ҳикоя қилиб беришар эди. Яқинда салкам ярим аср муқаддам Мари-Роз кўчасида чизган акварели музейга топширдим.

АПН.

Ахборот Воқеалар Фактлар

МЕХАНИЗАТОРЛАР ЎҚУВИ

«Узсельхозтехника» Пайариқ район бирлашмаси ҳузурида очилган янги ўқув комбинати дастлабки тингловчиларни қабул қилди. Комбинатнинг дарсхонаси 400 талабага мўлжалланган.

Республика «Узсельхозтехника» бирлашмасининг саккизта комбинати ва 129 та ихтисослаштирилган синфларида колхозчи механизаторларни тайёрлаш мавсуми бошланди. Курсантларнинг ихтиёрига ўқув кабинетлари, энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган устаханалар, қишлоқ хўжалиги техникаси бериб қўйилган. «Узсельхозтехника» системасининг мутахассислари лекция ўқишга жалб қилинади.

Қишки ўқув даврида ва шунча экиш агрегатларининг экипаж аъзоларини тайёрлашга қарор қилинди. Бирлашма бутун 1977 йил мобайнида қишлоқ меҳнаткашларидан 80 мингдан зиёдроқ кишини механизаторликка ўқитиш ва малакасини оширишни планлаштирмоқда.

СИФАТ БЕЛГИЛИ МАҲСУЛОТ

Тошкент кўн-галантерия фабрикасининг коллективи ўз социалистик мажбуриятининг моддаларидан бирини бажарди: пландан ташқари янги моделдаги тўрт хил сумка кўплаб ишлаб чиқарила бошланди.

Шу маҳсулотларнинг тажриба туркумлари магазинларда тез харид қилинди. Фабрика маҳсулотларидан бири — сунъий теридан тикилган сафар сумкасига Сифат белгиси берилди.

ЖАЖЖИЛАРГА АТАБ

Тошкент тўқимачилик комбинатида йилнинг энг сўнгги янгилиги гўдакларга аталди: газламага қувноқ ўрдакчалар расми туширилди. Тўқимачилар ҳозир жажжиларга атаб 25 хил турдаги янги газламалар чиқаряптилар. Бундай гуллар сатиндан ташқари комбинатнинг диссинаторлари яратган «Аннушка», «Ягодка», «Майя» каби мавсумий юпқа газламаларга ҳам босилади.

Беш йилликнинг биринчи йилида Тошкент тўқимачилик комбинатининг гул босиш цехидан мамлакатимиздаги барча республикаларнинг энг ёш гражданларига 30 миллион метр чамаси кўркам гулли газламалар тўқиб чиқарилди.

ҚИЗИЛҚУМДАГИ ИХОТАЗОРЛАР

Бухоро областидаги Қоракўл ўрмон хўжалигининг механизациялаштирилган отрядлари сахроға чиқишди. Улар саксовул экишга киришдилар. Саксовул уруғи олдиндан ҳайдаб қўйилган жойларга экилмоқда. Бу уруғликнинг яхши сақланишини, бир текис униб чиқишини таъминлайди.

Амударёга яқин қумликдан иборат массивда, Қоракўл воҳасида бўлғуси ўрмонзорлар барпо этилмоқда. Ботаник олимларнинг тавсиясига биноан бу ерда саксовулзор барпо этиш ишлари бошланди. Саксовулзорни қаерда ва қандай жойлаштириш схемаси ишлаб чиқилди. Янги ўрмонлар жазирама иссиқ ва қаттиқ совуқ кунларида қоракўл отарлари учун бошпана бўлади. Дарахтларнинг ёш шоҳлари эса қўйларга яхши кўк озуқа ҳам бўлади. (ЎзТАГ).

Комсомол аъзоси Хатира Шамсиева «Узбекистон ССР ва Республика Компартиясининг 50 йиллиги» тўқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғорларидан бири. Хатира «Ўнлар ташаббуси» изидан бориб, янги йил арафасида икки йиллик план-топшириқни муваффақиятли бажарди. Суратда: Қорбобо билан Қорқиз мусобақа голиби Хатира Шамсиевани табрикламоқда.

А. Авазов ва Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

ШАХМАТ

УСТОЗ ХОТИРАСИГА МУНОСИБ...

Нигирманчи йилларда Совет Ўзбекистонида шаҳматчилик қаракатига бош-қош бўлганлардан бири, республика илк чемпиони ва ёшларнинг севимли устози Азмиддин Ҳўжаев хотирасига бағишланган турнирлар чинакам анъанага айланди. Бутуниттифоқ мусобақалари рўйхатидан жой олганига ҳам анча бўлиб қолди.

Беш марта ўтказилган ана шундай шахмат анжуманларида таниқли гроссмейстерлардан ленинградлик М. Тайманов, жаҳон биринчилиги учун шу йил Филиппин пойтахти Манилада ўтказилган зонолараро турнирнинг тўртинчи совриндори омсклик В. Цешковский, Москва чемпиони С. Макаричев, киевлик И. Платонов, молдавиялик А. Лутиков, ҳалқаро мастерлар одессалик М. Подгаец, новокузнецклик Ю. Аникаев, олмаоталик М. Мухин, Арманистон, Туркманистон ва бошқа республикаларнинг вакиллари Ўзбекистоннинг етакчи ҳамда қобилиятли ёш шахматчилари билан тахта узра мулоқотда бўлдилар. Саноат, қишлоқ хўжалиги ходимлари, ўқув юртларининг талабалари — кўпсонли мухлислар билан учрашиб лекция, сеанслар ўтказдилар.

Яқинда Тошкентда якунланган ана шундай хотиравий мусобақанинг бешинчиси ҳам баҳсларга бой бўлди. Унда 16 киши иштирок этиб, уларнинг ярмиси Москва ва Ленинград, Киев ва Харьков шаҳарларидан келган гроссмейстерлар, кучли спорт мастерлари эди. Республикамиз шахматчиларининг бештаси тажрибали мастер ва уч нафари мастерликка номзодлар бўлиб, пешқадамлик учун бўлган курашнинг дастлабки паласиданоқ ён бермасликка ҳаракат қилдилар.

Мусобақанинг биринчи ярмига яқин яслагланда гроссмейстер И. Платонов, РСФСР эксчемпиони, таниқли спорт мастери О. Дементьев сингари республикамиз шахматчиларидан Г. Аъзамов билан С. Пинчук ҳам пешқадамлар сафидан ўрин олиб турдилар. Мусобақа маррага етиш олдидан мастерликка номзод В. Логинов учун мастерлик талабларини бажаришдек қулай имконият яратилди. Кўпгина йирик мусобақаларда ўзини кўрсатишга улгурган бу ёш шахматчининг бу гал омади юришмади. Охиргидан олдинги турда Валерий Аъзамовдан енгилиб, мақсадига ета олмади.

Охирги тур ўйналган куни Дементьев гроссмейстер Платоновга қарши учрашувда қалтисликлар барпо қилишдан кўра дуранга имзо чекишни ва айни вақтда камида биринчи ўринни баҳам кўришни афзал деб билди. Г. Аъзамов кучли рақиби Николаевский берган шиддани олиб қурбон иқўриш эканлигини исботлашга киришди. Ҳар бир юриш ва унинг оқибатлари нафис чамаланишида Аъзамовнинг ўткир қобилияти намоён бўлди. Бу ажойиб ғалаба туфайли у пешқадамга етиб олди. Логинов Қаюмовни ютиб, қолган учрашувлар дуранг натижа берди.

Шундай қилиб, уч ҳафта давом этган қизғин баҳслар оқибатида калининградлик О. Дементьев билан республика чемпиони Г. Аъзамов 15 имкониятдан 10 тадан очко олиб, биринчи ва иккинчи ўринларни ўзаро баҳам кўрдилар, Киевлик гроссмейстер И. Платонов билан харьковлик ёш спорт мастери А. Мачульский 8,5 тадан очко билан учинчи, тўртинчи ўринларни бўлишиб олдилар. Булар Ўзбекистон спорт комитетининг дипломлари билан тақдирландилар. Саккиздан очко тўплаган Тошкент вакиллари С. Пинчук, М. Рудерфер, В. Логинов ва москвалик спорт мастери А. Донченко бешинчи-саккизинчи ўринларни эгалладилар.

Мусобақа низомига кўра жадвалнинг биринчи ярмидан ўрин олган саккиз шахматчи «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасининг ,мукофотларини олди. Уларнинг ярми республикамиз вакиллари эканлиги Ўзбекистон етакчи шахматчиларининг маҳорати муттасил ортиб бораётганлигидан далолат беради. Чемпионимиз эса, мастерлар у ёқда турсин, икки гроссмейстердан ҳам ўзиб кетди. Г. Аъзамов бу юксак унвон учун келгусида муваффақиятли курашга арзийдиган ёш шахматчи эканини яна бир бор кўрсатди. Меҳмонларимиз ўйинидан бўш кунлари Тошкент ва Янгийўл шаҳарларда бўлиб мухлислар билан кўплаб учрашувлар ўтказдилар, сеанслар бердилар. Натижалар устоз хотирасига муносиб бўлди.

М. МУХИТДИНОВ,
мусобақа бош судьяси.

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

«МУҲАББАТ ҚИССАСИ»

Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта театри коллективи яқинда янги саҳна асари билан театр шинавандаларини мамнун этган эди. Театр саҳнасида композитор Т. Жалилов ва Б. Бровцинларнинг «Тоҳир ва Зуҳра» операсини томошабинлар илиқ қаршилагандилар. Катта театр санъаткорлари яқинда ана шу асар асосида опера-балет спектаклини ҳам яратишди. Режиссер О. Узоқов ва балетмейстерлар СССР халқ артисти, Ленин мукофоти лауреати Владимир Васильев, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Мукаррама Турғунбоевалар ўзаро ҳамкорликда икки жанрни бириктирган ҳолда операга хореографияни киритишиб, янги асар — «Муҳаббат қиссасини» яратдилар. «Муҳаббат қиссаси»да бош роль — Зуҳрани СССР халқ артисти Бернора Қориева, Тоҳирни эса, Узбекистон ССР халқ артисти Виталий Васильевлар ўйнашяпти.

«ҚИЁМАТ ҚАРЗ»

Яқинда таниқли саҳна устаси, СССР халқ артисти, Ҳамза номли Узбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Шукур Бурҳоновни санъатсеварлар янги образ қиёфасида кўришга муяссар бўлдилар. Шукур Бурҳонов янги спектакль — «Қиёмат қарз» драмасида бош қаҳрамон, чўпон Сулаймон ота образини яратди. «Қиёмат қарз» театр репертуаридаги янги асар бўлиб, ёзувчи Улмас Умарбековнинг замонавий мавзудаги драмасидир. Икки пардали драмани ёш режиссёрлар Р. Ҳамидов билан Х. Кўчқоровлар саҳналаштиришган. Янги спектаклда театрнинг етакчи артистларидан, Узбекистон ССР халқ артистлари И. Болтаева, Э. Маликбоева, Х. Наримонов, З. Садриева, республикада хизмат кўрсатган артистлар С. Норбоева, Н. Орипов, Г. Жамилова ва бошқалар иштирок этишмоқда.

ОЛОВЛИ ТОНГ

(ПАРЧА)

Ёзувчи Назармат республикамиз ёшларининг Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасорати ва ватанпарварликлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Оловли тонг» деган насрий асар ёзди. Қуйида шу асардан парча ўқийсиз.

Ноябрь ойининг изғирин нафаси муздай ялаб ўтади. Осмон ҳам бошига қора чодирини ёпиб, ғамгин ҳансирайди. Шу ғамгузор осмоннинг тагидаги кенг замин эса тутаб, оташ чангалида инграйди.

Окоплар бўйлаб душманга яқинлашиб бораётган батальонга хабар тарқалди. Бутун фронт ҳужумга кўтарилди.

Вақт чоғ эди. Ён-теваракда тўплар гумбурлай бошлади. Катюшанинг оловли тиғи парронлари парвоз этди. Оғир миномётларнинг ўқлари ҳавода пирпирак бўлиб душман устига ёпирила бошлади. Олдинда — душман томонида тўп-замбараклардан отилган ўқларнинг бетўхтов гумбурлаб портлашлари эшитилиб турди. Тўплар овози хиёл пасайиши билан пиёда қисмлар ҳужумга ўтди.

Осмонда икки томоннинг самолётлари тўқнашиб, ҳар бири ўз «ишини» бажо келтиришга шошиларди. Бомбардимончи самолётлар паст учиб, душман устига ажал оташини ёғдиради. Қидирувчи самолётлар бир-бирига ёпишиб, бири ёнса бошқаси яна ёқа тутишга ташланарди. Энди кучли жанг ерда эди. Бардошли, толмас пиёда аскарлар окоплардан кўтарилиб душман устига ўқ узиб, она ерни қадамлаб ёв чангалидан халос этарди.

Ўнгда автомат овози эшитилди. Кейин граната портлади. Бир оздан кейин «Каламуш бу ёққа чиқ. Чиқ дейман тезроқ. Чиқ аблаҳ, бўлмаса онангни Ўчқўрғондан кўрсатаман!» деган Азим мўйловнинг овози эшитилди. Мансур ўша томонга югурди. Азим мўйлов икки немис унтер-офицерининг елкасига автомат билан туртиб олдига солиб олиб келди.

— Ўртоқ лейтенант, манаву икки ўжарни истеқомдан тутиб олдим. Биқиниб олти. Чиққиси келмайди. Бунинг устига автоматдан отяпти, аблаҳлар. Граната билан сийловдим, аввал қўллари кўтарилди, сўнг ўзлари...

— Балли, азамат. Ҳов анаву қайин тагида мото-ўқчиларимиз буларни тўплашяпти. Топшириб, тез қайтинг, — деди Мансур.

Азим мўйлов асли ўчқўрғонлик. Лекин ёмон кўргинига жазо бермоқчи бўлса, «онангни Ўчқўрғондан кўрсатаман» дейишни яхши кўради.

Азим мўйлов елкадор, бақувват деҳқон йигитларидан. У урушгача армияда хизмат этган, сўнг юртига қайтиб, звено бошлиғи бўлиб, пахта етиштирган.

Ўйида хотини ва мактаб ёшига етмаган иккита ўғилчаси қолган. Хотини ўғилчаларини тиззасига олиб, суратга тушиб юборган. Азим мўйлов бўш қолса хотинининг хати билан болаларининг чиройли суратларини томоша қилиб ўтиради.

Азим мўйлов истеҳкомдан тутиб чиққан икки фашистни қуролсизлантирганиб, ёмғир ёғди. Ер устида булут сузяптими ёки тутун кезяптими, билиб бўлмасди. Тўрт томон жанг довулига дуч келиб, олов ва тутун билан қораяр, гоҳи лахча чўғдек қизарар эди. Тонгда бошланган жанг оқшомгача давом этди.

Ҳужум шунчалик тез эдики, бир қишлоқда немислар бўлса, бир қишлоқда гвардиячи танкчиларнинг дахшатли машиналари гуриллар эди. Мото-ўқчи бўлинмалар томондаги фашистлар гоҳида автоматлардан тўғри келган тарафга қаратиб, ўқтин-ўқтин ўқ узиб, югуриб қолишарди.

Мансур борган рота ўша пана жойга беркинган фашистлар бўлинмасини аксон этишда дадил ҳаракат қилди. Азим мўйловнинг қулоғини қўй тирнаб кетибди. У бу сафар санчастга бормади. Қулоғига алланималарни суртиб, қон оқишини тўхтатди.

— Азим ака қулоқ оғримаяптими? — деб сўради Мансур.

— Қулоғимни опкетмоқчи бўлди заҳарлар, қарангга! Ёшлигимда қулоғимни кўчада болалар чўзса, уйдададам билан ойим чўзар эди. Шўх эдим-да, ҳа шўх эдим. Бу ерда фашистларга кўпроқ шўхлик қилдим, дейман... Ҳали кўрсатаман буларга!

— Ҳафа бўлманг, қулоғингиз чиниққан қулоқлардан экан, — кулди Мансур.

* * *

Мансур гвардиячи танк қисмида хизмат этаётганидан фахрланар эди. Танкчи жанговар қисмларнинг жанг майдонларида кўрсатган қаҳрамонликларини бутун мамлакат биларди. Корпус байроғига Суворов ва Қизил Байроқ орденлари тақиб қўйилган. Мансур ана шу байроқ тагида гвардиячилар сафига қабул қилинди. Генерал Мансурни гвардиячи бўлиши билан табриклар экан, унинг моҳир командир бўлишини истаб, яхши тилаклар билдирди.

Бугун эса генерал Мансурни ҳузурига чақириб, унга танбеҳ берди:

— Сен атрофингда нималар бўлаётганидан бехабар юрибсан! Бугорок қишлоғига тез етиб бор. У ерда кимё омбори топилди. Ҳозир танкчилардан хабар келди. Бир-икки солдат заҳарланибди.

Мансур генерал айтган жойга зудлик билан етиб борди. Дарҳақиқат, гитлерчилар катта ўрмон ичидаги темир йўлга яқин қишлоқда кимё омбори қуришган экан. Турли кимёвий асбоб-ускуналар уюлиб ётибди. Бочкаларда заҳарли моддалар. Кичкина идишларда кўзни ачитадиган суюқлик. Танкчилар бу ерни қўлга туширганларида икки солдат омбор ичини айланиб юриб, бочкаларни ҳидлаб кўришибди, спирт ахтаришган бўлса керак. Улар ҳозир госпиталда.

Мансур синиб, ёрилиб ётган шишалар ва махсус идишларни кўмишга киришди. Химия ҳимояси взводи жангчилари ҳам етиб келдилар. Взвод жангчилари химия омборини тартибга келтириб, ящикларга жойлаб, қош қорайганда қўмондонликка хабар берди. Ҳориган, чарчаган Мансур замбарак ўқидан пўстлоғи кўчиб кетган азамат қайин остига чўзилди.

Эрта тонг қоронгусида темир йўл станциясида оғир жанглар бошланди. Иванов батальони танклар изидан бориб, душман автоматчиларини сафдан чиқарди ва станцияга интилаётган танкчиларга кўмаклашди. Станцияга уч-тўрт чақириқ қолганда жанг оғирлашди. Жанг майдони бетқоқ ва бутазорлар орасидан ўтарди. Танкларнинг ва бошқа жанговар машиналарнинг юриши қийинлашди. Одам бўйи ўсиб ётган бурган ва бошқа ўтлар олдинни кўришга халақит берарди. Козин ўз ротасини танклар билан баравар ҳужумга олиб кирди. Лекин бутазорлар ва ўтлар орасига беркиниб олган гитлерчилар танкчиларимизни шошириб қўйди. Икки танкимиз шикастланиб, сафдан чиқди.

Козин жангчиларни танклар устига чиқишга ва ўқ чиққан жойларни аниқлаб, ўша жойларни йўқ қилишга буюрди. Бир танкка Андрейка ва иккинчи танкка Азим мўйлов билан Қосим деган жангчи чиқиб олди. Бошқа жангчилар ҳам танкларга чиқиб олишди. Лекин хиёл ўтмай танклар устида битта ҳам жангчи қолмади. Рўпарадаги бутазорларда автоматлар тариллар эди.

Козин Мансур билан хавотирланиб, баланд ўтлар орасидан у ёқ-бу ёққа қараб, олдинга тез югуриб кетишди. Қўққисдан Андрейка пайдо бўлди. У бир унтер-офицернинг томоғидан бўғиб олиб, судраб келарди. Ўлжасини Козинга топшириб ўзи яна ғойиб бўлди.

Козин унтер-офицердан станцияга элтадиган бу йўлда артиллерия батареяси жойлашганлигини билди ва Ивановга хабар қилди. Асирни соқчига қолдириб, ротани душманнинг ўт очиш нуқталарини аксон этишга бошлаб борди.

Ўнг томонда тўп гумбурлади. Хиёл ўтмай ўша ёқдан Қосим учта душман тўпчисини ҳайдаб, етиб келди. Қосим душман тўп расчетини яксон этиб, буларни асир олиб келганлигини айтди ва югуриб кетаётган танк устига чиқиб олиб, кўздан ғойиб бўлди.

Мансур билан Козин ротани янги-янги жангларга бошлаб боришарди.

Азим мўйлов темир йўл симлари кўринаётганидан хабар берди. Танкчиларимиз темир йўл станциясига яқинлашиб қолган эдилар. Шу маҳал ўрмон ичидан пишиллаб келаётган поезд овози эшитилди. Азим мўйлов чиқиб олган танк темир йўл изига қараб кетди, лекин у нима учундир ўқ узмас эди. Танк устида жангчи борлигини билган танк командири қоқоқини очиб: «Мўйлов мен поездга таранга боряпман, сен тушиб етиб бор», деди. Азим ўзини танкдан ерга ташлаб югуриб кетди.

Танк тўпи айланиб орқага ўтди. Ўрмон четидан пишқириб келаётган паровознинг қораси кўринди. Узун эшелонда ҳарбий анжомлар, очиқ вагонларга тўплар ўрнатилган. Танк кўкраги билан олдинга интилиб, паровозга етиб борди ва ўзини паровоз биқинига урди. Паровоз қарсиллаб тўхтаб қолди. Очиқ вагонларда бораётган душман тўпчилари ва соқчилари билан жанг бошланиб кетди. Андрейка билан Азим мўйлов аллақачон соқчи солдатларнинг нафасини ўчириб юришарди.

Лекин поездни таран этган танк ичидан ҳеч ким чиқмади. Станцияда жанг тугади. Ҳамма поездни тўхтатган танкни томоша қилиб, унинг қаҳрамон кишиларига офаринлар айтишарди.

Мансур батальони озод қилинган станцияда бир-икки кун дам оладиган бўлди. Кечки пайт батальон алоқачиси Мансурга «Қизил Ўзбекистон» газетаси билан хат олиб келди. Хатнинг бири Саодатдан, иккинчиси Шавкатдан эди. Мансур аввал Саодатнинг хатини ўқиди:

Мансур ака, бу хатни жанг майдонидан эмас, олис-тинч ўрмондаги госпиталдан йўллаяпман. Мен хизмат этаётган қисмга, қўшни гвардиячи танк корпусига келган экансиз. Буни Ловеда билдим. Корпусда чиқадиган кўп тиражли газетанинг муҳаррири майор Черняков деган киши айтди. У материал олиш учун ярадорлар билан суҳбатлашгани бизнинг санбатга келувди. Черняков кетгандан кейин фашистлар бизнинг санбатни бомбардимон қилди. Палаталар устида катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган қизил крестлар белгиси бўлишига қарамай, шафқатсиз бомба ёғдиришди.

Мен бомбардимон вақтида операция столи ёнида эдим. Бомбардимон қўққисдан бошланди. «Бомбардимон!.. ярадорни панага олинглар...», деганимни биламан. Кўзимни очсам, бошқа армия санбатида ётибман. Шу ердан бу хатни ёзаётирман. Даволаняпман. Яраларим битяпти. Энди юра оламан. Мана ҳовлида айланиб келиб сизга хат ёзиб ўтиряпман. Тузалсам яна ўзимнинг қадрдон корпусимга бораман. У сизга яқин. Бирга жанг қиламиз. Бир-биримизни кўришга имкон бўлади. Кўришгунча хайр...

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/I да **Золушка** (12.00), **Флория Тоска** (19.00), 5/I да **Этик кийган мушук** (12.00), **Спартак** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/I да **Қор маликаси** (12.00, 15.00), **Аяжонларим** (кечқурун), 5/I да **Қалби олов** (12.00, 15.00), **Қиёмат қарз** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4/I да **Гулбаҳор қанғи** (12.00), **Жоним фидо** (19.30), 5/I да **Муқаддас диёр** (12.00), **Олифта** (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Шимолий Осетия АССР-да хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО** раҳбарлигидаги **йирик иллюзион ревю иштироки-да «ЦИРКДА АРЧА» томошалари** (10, 13, 16, 19.30).

Кино

Подшо Петр хабашни қандай қилиб уйлантиргани ҳақида қисса — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (жуфт соатларда), «НУКУС» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00).

Жаҳон бўйлаб саксон кун — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 15, 18, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН» (12, 15, 18, 20.30), «КОЗОҒИСТОН» (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00).

Отасизлик — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «КУКЧА» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), ҲАМЗА номли (11, 13, 15, 17, 19, 20.30), «ТИНЧЛИК» (13, 15, 17, 19, 21.00).

●

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8, 9 январь соат 19.00 да

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофотининг лауреати

РАЪНОХОН НИЗОМОВА

Узбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист

ШАРИФ СУЛТОНОВ

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

ҚАРИМА УЗОҚОВА

Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ДИЛБАР ФАЁЗОВА

Солистлар: Дадахон ҲАСАНОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Фотима БАРАТОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Нодира АҲМЕДОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Мансур ХОЛХУЖАЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

●

Узбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги «Узавтотехобслуживание» Бош бошқармасининг

«АВТОТЕХОБСЛУЖИВАНИЕ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БОШҚАРМАСИ

1977 йил 5 январда

ТУГАТИЛАДИ

Ҳамма даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги адресда қабул қилинади: 700143, Тошкент — 143, Луначарский шоссеси, 299-уй.

МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙЛАРИ

Оҳангарон районидаги Дукент посёлкасида очилган янги маиший хизмат кўрсатиш уйи аҳолидан дастлабки буюртмаларни олди. Бу ерда эркак ва аёлларнинг устки либосларини тикиб берадиган ателье бор, кийимларни ремонт қилиш йўлга қўйилган. Сартарошлик ва фотография салонлари очилди. Серго номли, Собир Раҳимов номли совхозлар ва яқин атрофдаги бошқа хўжаликларнинг меҳнаткашлари энди кийим тиктириш, ремонт қилдириш учун шаҳарга тушиб юрмайдилар; тажрибали усталаридан ташкил топган маиший хизмат кўрсатиш бўлимлари ҳар қандай мураккаб буюртмани ҳам бажара олади.

Бу йил Янгийўл районидаги Гулбаҳор посёлкасининг қишлоқ аҳолиси учун ҳам шундай маиший хизмат кўрсатиш уйи қуриб берилади. Областнинг шаҳар ва районларида ҳаммаси бўлиб олтмишдан ортиқ йирик маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишлаб турибди, колхоз ва совхозларда эса мингдан ортиқ турли устахона очилган.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Мультфильмлар. 10.55 — **Ғаройиб саргузаштлар** (бадиий фильм, 5—6—7-серия). 11.35 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.30 — **Телеграмма** (бадиий фильм). 17.00 — А. М. Горькийнинг «Она» романи 70 йиллигига 17.45 — Москволиклар беш йиллик марши. 18.15 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Киножурнал. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — **Олтин эшелон** (бадиий фильм). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Сизнинг фикрингизча. 23.50 — Ҳужжатли фильм.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар боғчасида арча байрами. 12.00 — **Капитан Теннеш** (бадиий фильм, 3—4-серия). 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Ҳалқаро ҳаётнинг актуал проблемалари. 19.00 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 19.25 — **«Ахборот».** 19.40 — Шеъриятсевар мухлисларига. 20.00 — Телетеатр. О. Ёқубов. **«Улуғбек ҳазинаси»** (2-қисм). 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Лирик концерт. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Сенинг замондошинг** (бадиий фильм, 2-серия).

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Шу кунинг қўшиқлари. 9.30 — **Ўзбек классик куйлари.** 11.15 — С. Татур. «Мирзачўл характери». Очерк. 11.25 — В. Мейен. «Ассалом келажак!». Кантата. 12.10 — **«Узбекистон ишчиси».** 13.00 — Қишлоқ мухбирлари ёзадилар. 13.30 — Чет эл эстрада артистлари ижро этадилар. 14.00 — **«Сара уруғ — мўл ҳосил гарови».** Суҳбат. 19.20 — **«Ёшлик»** радиостанциясининг программаси. 20.25 — Қорақалпоқ куйлари. 21.00 — Ўзбек операларидан парчалар. 22.00 — **Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт.** 22.30 — Ҳалқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — **«Ўзбек адабиёти радиоантологияси».** Шуҳрат «Шинелли йиллар». Романдан боб. 23.15 — Кечки концерт.

Об-ҳаво

Бугун Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд областларида ҳавонинг ўзгариб туриши ҳамда қор ёғиши кутилади. Секундига 3-7 метр тезликда бекарор шамол эсади. Ҳарорат 3 даража совуқ билан 2 даража иссиқ ўртасида бўлади. Қорақалпоғистон АССРда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шимолий-шарқдан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсиб, 11-16 даража, Уст-юртда эса 16-20 даража совуқ бўлади. Хоразм областида ҳаво бир оз булутли келади, ёғингарчилик бўлмайди. 8-13 даража совуқ бўлиши кутилади. Бухорининг шимолида ҳаво бир оз булутли келади, ёғингарчилик кутилмайди. Эрталаб туман тушади. 8-13 даража совуқ, жанубда эса совуқ 0-5 даражадан ошмайди. Фарғонада ҳаво ўзгариб туриши ва қор ёғиши мумкин. Ҳарорат 3 даража совуқ билан 2 даража иссиқ ўртасида бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, айтарли ёғингарчилик бўлмайди. Секундига 3-7 метр тезликда бекарор шамол эсиб, ҳарорат 0 даражадан ошмайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари институтнинг катта илмий ходими, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, таниқли арабшунос олим, филология фанлари кандидати

Абдулфаттоҳ РАСУЛЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари фалсафа ва илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси Х. Ҳасановага онаси

Раҳима ҲАСАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АД. СС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142

Р. 01105. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 2.